

РАҲМАТУЛЛОҲ САЙФУДДИНОВ

**ҲАЛОЛ КАСБ
ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ**



Тошкент 2013

УЎК: 174.(575.1)

КБК: 86.38

С 23

Ушбу рисолада ҳалол касбнинг обод ва фаровон турмушга эришишида тутган ўрни ва аҳамияти, ҳалолликнинг шахс ва жамият ҳаётига ижобий таъсири, ризқимиз ҳалол бўлиши учун, жамиятимиз вакиллари ўртасида аҳиллик ва иноқлик ҳукм суриши учун касбу коримизда эътибор қаратиши ва риоя қилиши лозим бўлган ўзига хос шаръий одоблар ҳусусида сўз боради.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Сайфуддинов, Раҳматуллоҳ.

Ҳалол касб фаровонлик омили/ Раҳматуллоҳ кори; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2013. – 96 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1280-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

УЎК: 174.(575.1)

КБК: 86.38

ISBN 978-9943-12-225-3

© Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ

© «Movarounnahr» нашриёти, 2013

Сўзбоши ўрнида

Мустақил Ватанимизда ҳар бир йилни алоҳида ном билан аташ ибратли анъанага айланди. Мухта-рам Юртбошимиз ташаббуси билан жорий қилинган бу хайрли ишнинг самараларини очиқ-ойдин кўр-моқдамиз. Ҳар йили жамиятимиз моддий-маъна-вий ҳаётининг муайян бир соҳаси ривожига, айрим муаммолар ечимига алоҳида эътибор қаратилиши мамлакат тараққиётини таъминлашда катта омил-га айланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Асосий Қонуни-мизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали ма-росимда нутқ сўзлар экан, 2013 йилни “Обод тур-муш йили” деб эълон қилди. Ушбу хайрли ташаббус юртимиз ривож, фуқароларимиз турмуш даража-сини сифат жиҳатидан янада яхшилаш йўлида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттиришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, унинг замирида Ватанимизни ҳартомонлама обод қилиш, инсонлар доимо эркин, тинч ва фаровон яшайдиган жамият барпо этишдек эзгу мақсад му-жассамдир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, шундай эзгу орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлди-риш, уларни ҳаётимиз мақсад-мазмунига айланти-риш, шундай ғоя ва интилишларни амалга ошириш учун давлатимиз, жамиятимизнинг барча куч ва им-кониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Энг муҳими, **бундай эзгу мақсадлар халқимиз томо-нидан ўзгача шукуҳ, ёруғ юз, фахру ифтихор би-лан кутиб олинмоқда, кенг жамоатчилик ҳамда**

хорижлик мутахассислару экспертларнинг катта қизиқиш ва эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, Ватанимиз мустақилликни қўлга киритганидан бери, гарчи мураккаб жараёнларни бошдан кечирган бўлсак-да, олиб борилаётган туб ислохотлар, оқилона сиёсат натижаси ўлароқ, юртимизда маданий, маънавий ва иқтисодий соҳаларда йилдан-йилга ўсиш, ривожланиш кузатилмоқда, аҳоли турмуш тарзи тобора яхшиланиб бормоқда. Жаҳоннинг илғор давлатлари устма-уст иқтисодий бўҳронлар оқимини бошдан кечираётган бир вақтда мамлакатимиз аҳолисининг фаровон турмуши, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, иқтисодимизнинг изчил равишда ўсиб бориши дунё ҳамжамиятининг ҳам эътиборини тортаётгани сир эмас.

Мамлакатимизда аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун керакли шарт-шароитлар ҳар бир фуқаронинг эзгу интилишларини, имкониятларини рўёбга чиқариши учун қулайликлар яратиш халқ фаровонлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан биридир. Айниқса, ёшларнинг турли соҳа ва касбларни эгаллашлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришда бир неча йиллардан буён давлатимиз тизимли равишда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Кўплаб касб-ҳунар коллежлари, турли-туман ўқув юртларининг қурилиши, ҳунармандчилик ва касаначиликка бўлган эътибор, кичик бизнесни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қабул қилинаётган қарорлар, берилаётган имтиёзлар сўзимизнинг ёрқин далилидир.

“Обод турмуш йили” деб юксак мақсадларни кўзлаган эканмиз, ҳаётимиз янада фаровон ва обод бўлиши, ризқу рўзимиз янада тўкин ва баракали бўлиши учун аввало тижоратчиларимиз, деҳқон ва фермер-

ларимиз, шунингдек, касаначилик, ҳунармандчилик каби турли касб-ҳунар эгалари, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шахслар, турли идора ва корхоналар ишчи-хизматчилари ўз соҳаларида ҳалолликка жиддий эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳалол касб – барака омилидир, ҳалол касб орқали ризқ талаб қилиш вожибдир.

Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади: **“Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно”** (Нисо, 29-оят). Ушбу ояти каримада бировларнинг молини ноҳақ йўллар билан ейиш, яъни ҳаром аралаштиришдан очиқ-ойдин қайтарилмоқдамиз. Бошқа бир ояти каримада эса: **“Эй инсонлар! Ердаги ҳалол-пок нарсалардан ризқланинглар!”** (Бақара, 68), дейилар экан, ризқни ҳалол касб орқали қўлга киритиш амр этилади. Ўз навбатида, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳам ўзларининг кўплаб муборак ҳадисларида ҳалолликка, ҳалол касб билан турмуш кечиришга ундаганлар. Зеро, ҳалол касб обод турмуш гаровидир.

Ушбу мўъжазгина рисолада ҳалол касбнинг обод ва фаровон турмушга эришишда тутган ўрни ва аҳамияти, ҳалолликнинг шахс ва жамият ҳаётига ижобий таъсири, ризқимиз ҳалол бўлиши учун, жамиятимиз вакиллари ўртасида аҳиллик ва иноқлик ҳукм суриши учун касбу коримизда эътибор қаратиш ва риоя қилиш лозим бўлган ўзига хос шаръий одоблар ҳусусида сўз боради.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Обод турмуш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизга Аллоҳ таолодан хайр-барака тилаймиз.

“Касб” ва “ҳалоллик” сўзларининг маънолари

“Касб” ёки “касб қилмоқ” сўзлари бизнинг тилимизга араб тилидан кириб келган бўлиб, “كسب” (касаба) феълининг ўзаги ҳисобланади. Араб тилида “كسب” ёки “اكتسب” (иктасаба) сўзлари қўлга киритмоқ, ишлаб топмоқ, қозонмоқ, бирор ишни бажармоқ, қандайдир фойда-манфаатга эришмоқ, ютуққа эга бўлмоқ каби маъноларни англатади.

Ҳанафий мазҳаби асосчиси Имом Абу Ҳанифанинг (раҳматуллоҳи алайҳ) яқин шогирди ва издоши Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (раҳматуллоҳи алайҳ) ўзининг “ал-Касб” номли асарида бундай ёзади: “Иктисоб, яъни касб қилиш деб тилшунослар урфида ҳалол воситалар орқали мол топишга нисбатан айтилади. Лекин мазкур лафз кўп маъноларда қўлланилади. Масалан, Аллоҳ таоло:

أَنْفَقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ

“Касб қилган (топган, қозонган) нарсаларингизнинг хуш-покизаларидан инфоқ қилинг!” (Бақара, 267); бошқа бир ояти каримада эса:

وَمَا أَصْبَحْتُمْ مِنْ مُّصِيبَةٍ فِيمَا كَسَبْتُمْ أَيْدِيكُمْ

яъни: **“Сизларга не бир мусибат етса, (у ҳам бўлса), ўз қўлларингиз касб қилган нарса (яъни, гуноҳларингиз) сабабли етур”** (Шўро, 30), дейди. Ушбу оятда кишининг ўз нафсига нисбатан қилган жинояти ҳам касб деб аталган. Ўғирлик ҳақидаги ояти каримада ҳам шу сўз ишлатилганини кўрамиз:

جَزَاءُ بِمَا كَسَبَا

“касб қилган (яъни, қилган) қилмишларига жазо бўлсин учун...” (Моида, 38).

Шундан ҳам биламизки, “касб қилиш” сўзи ҳар хил маъноларда келар экан, аммо мутлақ ҳолда ишлатилганида мол топиш тушунилади”.

Аксарият фикҳ олимлари “касб қилиш” сўзини ҳалол ёхуд ҳаром йўллар билан, маълум ҳунар ёрдамида ёки ҳунарсиз равишда мол-мулк қозонишга нисбатан қўллашади. Демак, луғат ва фикҳ жиҳатидан “касб қилиш” дейилганида ҳунар орқали ёки ҳунарсиз равишда (масалан, корхона ва ҳоказода соатбай ёки ишбай ишлаб, ақлий меҳнат билан шуғулланиб, тадбиркорлик қилиб, китоб ёзиб ва ҳоказо), қайси йўл билан бўлишидан қатъи назар, мол қозониш тушунилади. Ҳалол касб, ҳаром касб деган айирмалар шу сабабли пайдо бўлган.

Бизнинг ўзбек тилида касб деб кишининг ризқ талабида муайян иш тури билан давомли равишда шуғулланишга айтилади. Мисол учун мактаб ёки институтда дарс бериш орқали рўзғор тебратадиган кишининг касби ўқитувчилик бўлса, дўконда нарса сотиш билан кун кечирадиган кишининг касби сотувчилик бўлади ва ҳоказо. Демак, бизнинг урфимизга кўра, касб деганда, унинг воситасида ризқ топиладиган бирор доимий иш тури ёки ҳунар назарда тутилади. Ушбу рисолада айни шу мавзу ҳақида баҳс юритилади.

Шу билан бирга, ўзбек тилида “касб қилмоқ” сўзи гоҳо аслий маъносида ҳам ишлатилади. Масалан, “атроф-муҳит гўзаллик касб этди” деганимизда “касб этди” сўзи “ҳосил қилди”, “эга бўлди” маъноларида қўлланганини кўрамиз. Аммо от сифатида “касб” сўзининг ўзи юқорида айтганимиздек, ин-

сон машғул бўладиган маълум иш турига далолат қилади.

Динимизда рухсат этилган амаллар, нарсалар ҳалол дейилади. 2004 йил нашр этилган “Ислом энциклопедияси”да “ҳалол” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: (араб тилида “эркин”, “боғланмаган”, “тугунни ечиш” маъноларини беради) рухсат бериш; фарз, мандуб ва мубоҳ тушунчаларига кирувчи рухсат этилган хатти-ҳаракатлар; ман этилган хатти-ҳаракатлар (ҳаром)нинг зидди. Ҳалол ҳақидаги масалаларни фикҳнинг аҳком бўлими ўрганади. Шариатда ҳаромлик тугуни ечилган, яъни ҳаромлик сифати йўқ нарсага, ҳалол деб айтилади. Чунки ҳаром нарсанинг ман қилиш тугуни бўлади, ҳалол нарсада ана ўша тугун бўлмайди, очик бўлади.

سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: «إن الحلال بَيْنَ و [إن] الحرام بَيْنٌ، وبينهما مشبهات لا يعلمهن كثير من الناس. فمن اتقى الشبهات استبرأ لدينه وعرضه، ومن وقع في الشبهات وقع في الحرام، كالراعي يرعى حول الحمى، يوشك أن يرتع فيه. ألا وإن لكل ملك حمى. ألا وإن حمى الله محارمه، ألا وإن في الجسد مضغة إذا صلحت صلح الجسد كله، وإذا فسدت فسد الجسد كله. ألا وهي القلب»

Абу Абдуллоҳ Нўъмон ибн Баширдан (розияллоху анҳу) ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда ҳам ҳалол нимаю ҳаром нималиги аниқ баён қилинган: “Мен Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) шундай деганларини эшитдим: “Дарҳақиқат, ҳалол нарсалар очик-равшандир, ҳаром нарсалар ҳам очик-рав-

шандир. У иккисининг ўртасида эса, (ҳалол ёки ҳаромлиги кўпчилик учун ноаниқ бўлган) иштибоҳли нарсалар ҳам борки, кўпчилик уларни (нг ҳукмини) билмайди. Бас, ким шундай шубҳали нарсалардан ўзини эҳтиёт қилса, динини (яъни, тақвосини нуқсон-камчиликлардан), номус-обрўсини эса (турли гап-сўзлардан) покиза асраб қолади. Аммо ким шубҳали нарсаларга ўралашиб қолса, ҳаромга ҳам тушиб қолади. Бунинг мисоли (яъни, иштибоҳли нарсалардан сақланмайдиган кишининг мисоли) бировнинг қўрғони атрофида сурувини ўтлатиб юрган чўпонга ўхшайдик, унинг қўйлари сал қолса, ўша қўрғонга кириб кетади. Огоҳ бўлинг, ҳар бир подшонинг ўз қўрғони бўлади. Огоҳ бўлинг, Аллоҳнинг қўрғони Унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлинг, жасадда бир парча гўшт бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасад соғ-саломат бўлади. Агар у айниса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинг, у парча гўшт қалбдир” (*Бухорий ва Муслим*).

Ҳадисда “ҳалол очиқ-равшандир”, “ҳаром ҳам очиқ-равшандир”, дейилди. Ҳа, аслида ҳалол нарсалар очиқ-ойдин: сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар гўшtlари каби таомлар, рухсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган аёллар ҳалолдир. Имом Нававий айтадилар: “Нарсалар уч қисмга бўлинади: Нон емоқ, гапирмоқ, юрмоқ каби ҳалоллиги очиқ-равшан бўлган нарсалар. Ароқ ичиш, зино қилиш каби ҳаромлиги очиқ-равшан бўлган ишлар. Яна на ҳалоллиги ва на ҳаромлиги аниқ бўлган иштибоҳли нарсалар ҳам борки, уларнинг ҳукмини кўпчилик билмайди. Уламолар эса оят-ҳадис ҳужжати билан ёки қиёс орқали уларнинг ҳукмини биладилар”.

Демак, киши ҳалол ёки ҳаромлиги ноаниқ бўлиб қолган вазиятга дуч келса, бу ҳақда ўзи яшаб турган юрт олимларидан сўраши лозим экан.

Ушбу ҳадис мазмунидан инсон нафақат ҳаромдан сақланиши, балки ҳалол ёки ҳаромлиги иштибоҳли, ноаниқ бўлиб қолган шубҳали нарсалардан ҳам эҳтиёт бўлиши зарур экани тушунилади. Ҳалол-ҳаромлиги ноаниқ бўлган нарсалардан йироқ юриш кишининг тақвосига далолат қилади.

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) бундай деган: “Комил тақво банданинг Аллоҳ таолодан ҳатто заррача нарса хусусида ҳам қўрқмоғи ва ўзи билан ҳаром ўртасига тўсиқ қўйиш мақсадида ҳаром бўлиши эҳтимолидан қўрқиб, баъзи ҳалол нарсаларни ҳам тарк қилмоғидир”.

Ҳасан Басрий айтади: “Тақводор кишиларда тақво шу даражага бориб етадики, улар ҳаромдан қўрққанлари боис кўпгина ҳалол нарсалардан ҳам тийилиб турадилар”.

Суфён Саврий айтади: “Тақводор кишилар одатда тақво қилинмаса ҳам бўлаверадиған масалаларда ҳам ўзларини тийганлари боис тақводор деб номландилар”.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) сўзлари: “Мен ўзим билан ҳаром нарсалар ўртасида аслида ҳалол нарсалардан иборат бир парда қўйиб, уни ҳеч қачон бузмасликни хоҳлар эдим”.

Суфён ибн Уяйна айтади: “Банда токи ўзи билан ҳаром ўртасида ҳалолдан бўлган бир тўсиқ қўймагунича ҳамда гуноҳ ва шубҳали нарсаларни ҳам тарк қилмагунича имон ҳақиқатига эриша олмайди”.

Ривоят қилинишича, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳаётида бир марта билмаган ҳолда шубҳали нарсани еб қўяди. У кишига ҳалиги нарсанинг шуб-

ҳали эканлиги айтилгач, дарҳол бармоқларини оғзиларига тикиб, қайт қилиб ташлайди.

Ҳалол касб билан шуғулланиш возибдир

Турмуш обод бўлишининг асосий шартларидан бири ҳалол касб билан шуғулланишдир. Барчамизга яхши маълумки, Исломи динимиз дангасалик, танбаллик ва боқимандаликни қоралайди. Турли-туман қонунан тақиқланган, шаръан эса ҳаром қилинган эгри йўллар билан дунё орттиришдан қайтаради. Динимиз инсонни ҳалол касб-кор қилишга тарғиб этади. Динимиз таълимотлари кишиларни ўз шахсига, оиласига, атроф-муҳитга ва қолаверса, жамиятга манфаатлар етказадиган зироат, тижорат, саноат ва бошқа хил фойдали касб ва машғулотлар билан шуғулланишга, ерга ишлов бериб, заминни обод қилишга, саноат, ижодкорлик, фан ва техника соҳасида пешқадам бўлиб, инсоният тамаддунининг ривожига ҳисса қўшишга чорлайди. Ҳатто ҳалол касб билан шуғулланишни фарз даражасига кўтаради. Ҳадиси шарифда:

“طَلَبُ الْكَسْبِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ”

“Касб-кор эгаллаш ҳар бир мусулмонга фарз-дир”, дейилган (*Табароний ривояти*).

Ҳанафий мазҳабида мўътабар саналган “Ал-ихтиёр ли-таълил ал-мухтор” китобида келтирилади: “Муҳаммад ибн Самоа айтади: Мен Муҳаммад ибн Ҳасаннинг¹: “Илм талаб қилиш қандай фарз бўлса, касб талаб қилиш ҳам шундай фарздир”, деганларини эшитдим. Ҳа, бу ҳақ гапдир! Зеро,

¹ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Абу Ҳанифанинг (рахматуллоҳи алайҳ) яқин шогирдларидан бири.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган ҳадисда Набий (алайҳиссалом): “Касб талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир!” деб марҳамат этганлар. Яна бир ҳадисда эса Пайғамбаримиз (алайҳиссалом):

طلب الكسب بعد الصلاة المكتوبة

“Касб талаб қилиш фарз намозидан кейин (турувчи фарз)дир!” деганлар.

Китоб муаллифи Абдуллоҳ ибн Маҳмуд Мувсий давом этади: “Чунки фарзни қоим қилиш учун ҳам касбу кор лозим. Танда қувват бўлмаса, инсон ибодат қила олмайди. Бадан қуввати эса одатан ва хилқатан озуқа билан ҳосил бўлади. Озуқа ва ҳоказоларни топиш учун эса касб-кор лозим. Ахир Аллоҳ таоло инсонларни овқат емайдиган жасад қилиб қўймаган. Чунончи Аллоҳ таоло айтганидек:

وَمَا جَعَلْنَاهُمْ جَسَدًا لَا يَأْكُلُونَ الطَّعَامَ

“Биз у (пайғамбар)ларни таом емайдиган бир жасад қилган эмасмиз” (Анбиё, 8). Яъни, пайғамбарлар ҳам таомланишга эҳтиёж сезишда барча одамлар билан баробардирлар. Шундай бўлгач, улар ҳам ўзларининг жасадий ва моддий эҳтиёжларини қондириш учун касб-кор билан шуғулланишган, тирикчилик қилиб, рўзғор тебратишган.

Оддий мисол тариқасида гапирадиган бўлсак, киши ибодат қилиши учун таҳорат қилишга эҳтиёж сезади, таҳорат учун эса ўзига яраша шарт-шароит, махсус хона, иссиқ сув, идиш, сочиқ ва ҳоказолар керак. Намоз ўқиш учун эса киши авратини беркитадиган нарсаларга муҳтож бўлади. Буларнинг барчасига одатда касб-кор, ҳалол меҳнат қилиш орқалигина эришилади. Шундай экан, ибодат

дат қандай фарз бўлса, киши маиший ҳаётини энг оз миқдорда таъминлаши учун касб-кор қилиши ҳам шундай фарздир.

Пайғамбарлар ҳам яшаш учун ўзлари касб-кор билан шуғулланишган, меҳнат қилишган. Жумладан, Одам (алайҳиссалом) буғдой экиб, уни суғориб, ўриб олиб, туйиб, хамир қилиб, кейин нон пишириб еганлар. Нух (алайҳиссалом) дурадгорлик қилганлар. Иброҳим (алайҳиссалом) эса баззоз (газмол сотувчи) бўлганлар. Довуд (алайҳиссалом) совут ясаганлар. Сулаймон пайғамбар хурмо дарахти баргларида саватлар тўқиганлар. Закариё (алайҳиссалом) ҳам дурадгор бўлганлар. Набийи-миз Муҳаммад (алайҳиссалом) эса қўйчивонлик қилганлар. Уларнинг барчалари ўз касблари ва меҳнатлари билан рўзғор тебратишган. Хуллас, касб-кор билан тирикчилик ўтказиш, рўзғор тебратиш инсоният фитратидаги нарсадир.

Уламолар тирикчилик ва касб-кор қилиш орқали мол топишни бир неча даража ва мартабаларга бўлганлар. Биринчиси, фарз даража бўлиб, бу – кишининг ўзи ва оиласининг зарурий эҳтиёжларини қондириш ҳамда қарзларини узишга етадиган миқдорда ишлаб, пул топишидир.

Иккинчиси, мустаҳаб даража бўлиб, бу – фақирларга ёрдам қўлини чўзиш, дўст-ёр ва яқинларига мурувват кўрсатиш учун кифоя қиларли даражадан ортиқроқ мол-дунё орттиришга ҳаракат қилишдир. Уламоларимиз айтишларича, бундай касб билан машғул бўлиш, яъни юқорида айтилган эзгу ишларни ният қилган ҳолда заруридан ортиқча мол-дунё орттириш учун ҳаракат қилиш ўзини буткул нафл ибодатларга бағишлашдан ҳам кўра афзал ҳисобланади. Зеро, нафл ибодатларнинг фойдаси ибодат қилувчининг ўзигагина

дахлдор бўлса, бадавлат кишининг касбидан етадиган манфаат ҳам унинг ўзига, ҳам бошқаларга етади. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги ҳадисларни эслашимиз kifоядир. Набий (алайҳиссалом) марҳамат қилганлар:

خير الناس من ينفع الناس

“Одамларнинг яхшиси одамларга манфаати етадиган инсондир!”;

تباهت العبادات فقالت الصدقة أنا أفضلها

«Ибодатлар бир-бирларига фахрланишди. Шунда хайр-садақа: “Мен ибодатларнинг энг афзалиман”, деди».

Кейингиси мубоҳ даражадаги касб-кор. Бу фарогатли ҳаёт кечириш учун бундан-да зиёда мол орттирмак. Бу ҳам агар ҳалолдан бўлса жоиздир. Набий (алайҳиссалом):

”نعم المال الصالح للرجل الصالح“

“Яхши мол-дунё яхши инсонга қандай ҳам ярашади!” дея марҳамат қилганлар (Бухорий, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Бошқа бир ҳадисларида эса:

من طلب الدنيا حلالا متعفا لقي الله تعالى ووجهه

كالقمر ليلة البدر

“Ким одамларнинг қўлига қарам бўлмаслик учун ва иффатини сақлаш учун ҳалол мол-дунё талаб қилса, юзи тўлин ой кечасидаги ой каби (порлаган ҳолда) бўлиб, Аллоҳга йўлиқади”, деб

марҳамат қиладилар (Имом Сарахсийнинг “ал-Мабсут” китобида келтирилган).

Охиргиси, макруҳ даража бўлиб, бу манманлик, кеккайиш ва кибру ҳаво учун мол-мулк кўпайтиришдан иборатдир, гарчи ҳалолдан бўлса ҳам. Набий (алайҳиссалом) дедилар:

”من طلب الدنيا مفاخرا مكاثرا لقي الله تعالى
وهو عليه غضبان“

“Ким мол дунёни мақтаниш ва бошқалардан кўплиги билан фахрланиш учун талаб қилса, Аллоҳ таолони ўзига ғазаб қилган ҳолда учратади!”

Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар – ҳалол касб ҳақида

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло кундузни инсонларга Ер юзида тарқалиб, ишлаб, ҳаракат қилиб, ризқ топиш, тирикчилик қилиш учун қулай имкониятларни берди. Қуръони каримда:

وَجَعَلْنَا النَّهَارَ مَعَاشًا

“Кундузни эса тирикчилик (учун белгиланган вақт) қилдик” (Набаъ, 11), дейилади. Тун эса дам олиш, ҳордиқ чиқариш ёхуд нафл ибодатлар билан шуғулланиш учун яратилган. Зеро, уйку танга дам бергани каби, тунги нафл намоз ва Қуръон тилovati қалбга ором беради, сакинати ва хотиржамлик бағишлайди.

Бир қанча ояти карималарда ризқ излашга, ризқ талабида ғайратли бўлишга тарғиб қилинади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ ذَلُولًا
فَامْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ

“У (Аллоҳ) сизлар учун Ерни хокисор – бўйсунгувчи қилиб қўйган Зотдир. Бас, (шундай экан) сизлар у (Ер)нинг ҳар томонида (сайр-саёҳат қилиб, тижорат, чорвачилик ёки зироатни касб қилиб) **юраверинглар ва** (Аллоҳнинг берган) **ризқи рўзидан енглар!**” (Мулк, 15).

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ
وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ

“Энди қачон намоз адо қилинган, Ерга тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан (ризқи рўз) **истайверинглар**” (Жумъа, 10).

Ушбу ояти каримада ризқ талабида ҳаракат қилишга даъват этиш билан бир қаторда ризқ Аллоҳнинг фазлу марҳамати эканига ҳам урғу берилган. Зоҳирда инсон ўз ҳаракати билан эришгандек кўринадиган ризқ аслида бандасига Аллоҳнинг фазлу марҳаматидир. Агар Аллоҳ шу заминга бутун инсоният ризқини сочиб, ризқ топишнинг турли-туман йўллари очиб қўймаса, тавфиқ бермаса, инсон ўз ҳаракати билан ризқ тополмаган бўларди. Шунинг учун ҳам инсон касби ва ҳаракати билан эришган барча нарса Аллоҳнинг унга берган ризқи ҳисобланади. Аллоҳ ризқнинг йўллари кўпайтириб қўйган, шу заминга барча махлуқоту мавжудотларнинг ризқларини жо қилган. Банда фақат ўша йўлларга кириши, ризқ келиши сабабларини ўринлатиши, заминга сочиб қўйилган ризқни исроф қилмай, териб ейиши керак.

Қуръони каримда бот-бот ҳалол касб орқали ризқ топишга тарғиб ва ташвиқлар келади, инфоқ-эҳсон қилишда ҳам ҳалолликка чақирилади. Қуйида келтирилган оятлар ҳам ана шулар жумласидандир:

يَتَأْتِيهَا النَّاسُ كُلُّوْا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَلًا طَيِّبًا

“Эй инсонлар, Ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар!...” (Бақара, 168);

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُّوْا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَأَشْكُرُوا
لِلَّهِ إِن كُنْتُمْ إِتْيَاهُ تَعْبُدُوْنَ

“Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз – покиза нарсалардан енглар ва агар (чиндан) Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангиз, У зотга шукр қилингиз!” (Бақара, 172).

Одамлар Набийдан (алайҳиссалом) ўзларига нималар ҳалол қилингани ҳақида сўраганларида, бу саволга жавобан ушбу оят нозил бўлган эди:

يَسْأَلُونَكَ مَاذَا أُحِلَّ لَهُمْ قُلْ أُحِلَّ لَكُمْ الطَّيِّبَاتُ

“(Эй Муҳаммад, мўминлар) Сиздан ўзларига нималар ҳалол қилингани ҳақида сўрарлар. Айтинг: “Сизлар учун барча покиза-хуш нарсалар ҳалол қилинди...” (Моида, 4).

Ҳатто хайрия ишларида ҳам, эҳтиёжмандларга эҳсон қилишда ҳам ўша инфоқ қилинажак мол-мулк ҳалолдан бўлиши кераклиги қатъий уқтирилади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ

“Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан инфоқ-эхсон қилингиз” (Бақара, 267).

Касблар ҳар хил бўлади. Ҳалол-покиза касблар ҳам бор, ҳаром-жирканч касблар ҳам бўлади. Лекин Қуръони каримда касб ҳақида нозил бўлган оятларнинг барчаси банданинг касбу кори ҳалол бўлиши, ризқ-рўзимиз манбаи бирон шубҳа аралашмаган ҳалол маблағдан бўлишига чақиради.

Биз ҳалол-покиза деб маъно бераётганимиз сўз илоҳий каломда “طيبات” (тоййибат) лафзи билан ифода қилинади. Мазкур сўз луғавий жиҳатдан “яхши, ёқимли, нафслар жирканмайдиган, хуш кўрадиган нарсалар” деган маъноларни англатади. Зеро, покиза фитратда ўсган нафслар, устини жаҳолат ғубори қопламаган кўнгиллар ҳалол нарсаларни ёқтиради, нохуш, нопок, ҳаром нарсалардан эса нафрат туяди.

Қуръони каримни варақласак, мазкур “тоййибат” ёхуд “тоййиб” сўзи камида ўн олти ўринда зикр қилинганини кўрамыз. Ризқ ҳалол-покиза бўлиши, касб ҳалол-покиза бўлиши, хайру эҳсон ҳалол-пок нарсалардан бўлиши ҳақидаги такрор-такрор келган эслатмаларнинг барчаси инсониятни тўғри ҳаёт сари йўналтириш, дунёда турмушлари обод ва фаровон, охиратлари эса саодатли бўлишини таъминлаш учундир. Зеро, турмуш ободлигида ризқнинг ҳалолдан бўлиши ғоят муҳим ҳисобланади.

Ҳалол касб орқали ҳаёт кечирувчи инсоннинг дуолари ҳам мустажоб бўлади. Агар одамлар олди-бердиларида, касбу корларида ҳалоллик ва инсофни ўзларига шиор қилиб олсалар, ораларидаги низо ва келишмовчиликлар ҳам барҳам топиб, адоват, бир-бирига адоват-кин сақлаш, ўзаро

ишончсизлик каби жамиятни тагидан емирувчи иллатлар ўз-ўзидан барҳам топган бўларди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ўз навбатида асҳобларини ва қолаверса, бутун умматни ҳалол касб билан кун кечиришга чақирганлар.

عن المقدم بن معديكر بن الزبيدي عن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال ما كسب الرجل كسبا أطيب من عمل يده وما أنفق الرجل على نفسه وأهله وولده وخادمه فهو صدقة

Миқдом ибн Маъдиякроб Забийдийдан (розиаллоҳу анҳу), у киши эса Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Киши ўз қўл меҳнати билан касб қилиб топганидан яхшироқ ва ҳалолроқ ризқ қозонмаган. Кишининг ўзига, аҳли-оиласига, фарзандига ва хизматчисига инфоқ қилган нарсаси ҳам садақа (яъни, ажр-савоб)дир” (Ибн Можа).

Ушбу ҳадис нафсий ва ижтимоий жиҳатдан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кўп маъноларни қамраб олади. Эҳтимол, кишига ҳеч қандай машаққатсиз, на ақлий, на жисмоний меҳнатсиз қандайдир даромад келиб қолиши мумкин. Аммо бу ҳадисда инсон ўз меҳнат-машаққати, пешона тери орқали эришган ризқи касб қилиб топган нарсаларининг энг афзали, энг ҳалоли ва энг ёқимлиси эканлиги таъкидланмоқда.

Бошқа бир ҳадисда:

“إن أطيب ما أكل الرجل من كسبه”

“Шубҳасиз, киши ризқланадиган нарсаларнинг энг ҳалоли ва ёқимлиси ўз касби орқали еган нар-

сасидир”, дейилган (Ибн Ҳиббон, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти). Ҳадис давомида ўқиймиз: “Кишининг ўзига, аҳли-оиласига, фарзандига ва хизматчисига инфоқ қилган нарсаси ҳам садақа (яъни ажр-савоб)дир”.

Демак, инсон нафақат аҳли оиласи ва бошқа яқинларига қилган эҳсони учун савоб олади, балки, ўзи учун сарфлаган нарсасига ҳам ажр олар экан. Баъзилар оиламга бўлсин, бола-чақамга бўлсин деб, ўзларини бутунлай унутиб қўядилар. Касал бўлиб қолсалар даволаниш учун ҳам пулни аяйдилар, оилаларидан орттириб, тузукроқ кийим ҳам киёлмайдилар. Болаларимга уй қуришим керак, уйлаб-жойлашим керак, қизимнинг мебелини олишим керак, деб, шу қадар ўзларини қийнашадики, оқибатда даволатмаган касалликлари илдиз отиб ёки ўзлари ёхуд аёллар ўйлаб топган бемаъни исрофгарчиликлар, адоқсиз маросимлар кўйида ғам чекиб, хавfli хасталикларни ҳам орттириб оладилар. Бу ҳаётга мутлақо нотўғри ёндашувдир. Зеро, ҳамма нарсада меъёрни билишнинг фойдаси катта. Аҳли оиласига сарфлаш билан бир қаторда киши ўзига ҳам яхши қараши кераклиги динимизда тарғиб қилинган. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, Аллоҳ бир бандага бирор неъмат ато этган бўлса, ўша бандасининг устида неъматининг асарини кўришни яхши кўради”, деганлар (Аҳмад ва Термизий ривояти). Дарҳақиқат, Аллоҳ берган неъматни кибру ҳавога берилмаган ҳолда зоҳир қилиш ҳам неъмат берувчи Зотга шукронанинг бир кўринишидир. Ҳадиси шариф:

ابدأ بنفسك فتصدق عليها، فإن فضل شيء فأهلك، فإن فضل شيء عن أهلك فلذي قرابتك — من المحتاجين — فإذا

فضل عن ذي قرابتك شيءٌ فهكذا وهكذا من الأموال التي
تنفق في أوجه الخير

Маъноси: “(Инфоқ қилишни) ўзингдан бошлаб, аввал ўз нафсингга хайр-эҳсон қил. Агар ортса, аҳли оилангга, аҳлингдан ортса, қариндошларинг орасидаги муҳтожларга, агар қариндошларингдан ҳам ортиб қолса, унда мана бу, мана бу яхшилик йўлларига молингни сарфлайсан”.

Юқоридаги ҳадисда киши аҳли-оиласи, фарзанди ва ходимига сарфлаган нафақаси учун ҳам ажру савоблар олиши айтилди. Шу ерда муҳим бир нуқтага эътибор қаратишимиз керак. Кўпинча, аҳли аёлимизга инфоқ қилаётганимизда шу ишимиз учун савоб умид қилишни унутиб қўямиз, оиламиз учун бозордан турли-туман егуликлар ва кийим-кечаклар харид қиларкан, савоб оляпман деган фикр бўлмайди бизда. Бола-чақамизга кенгчилик яратаётганимизда қанча-қанча ажр олаётганимиздан хурсанд бўлмаймиз. Ҳолбуки, бу ишлар Аллоҳ ризосини мақсад қилган ҳолда амалга оширилса, ҳам дунёвий, ҳам ухровий бахт-саодатимизга васила бўлади.

Ҳадиси шариф:

عن أبي هريرة رضي الله عنه مرفوعا قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: أيها الناس إن الله طيب لا يقبل إلا طيبا وإن الله أمر المؤمنين بما أمر به المرسلين فقال: “يا أيها الرسل كلوا من الطيبات واعملوا صالحا إني بما تعملون عليم” وقال: “يا أيها الذين آمنوا كلوا من طيبات ما رزقناكم...”

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб, дедилар: “Эй инсонлар! Албатта, Аллоҳ покдир, фақат пок нарсаларнигина қабул қилур. Албатта, Аллоҳ элчи-пайғамбарларга буюрган нарсани, (барча) мўминларга ҳам буюрган. У: **“Эй расуллар, ҳалол-покиза нарсалардан энглар ва солиҳ амал қилинглр, албатта, мен қилаётган ишларингизни билурман”**, деган ва (мўминларга хитобан) **“Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз нарсаларнинг ҳалол-покизаларидан энглар”**, деб айтган» (Имом Муслим, Имом Термизий, Доримий ва Имом Аҳмад).

Ушбу ҳадис мазмунидан шуни билиб оламизки, Аллоҳ таоло аввало пайғамбарларни ҳалол-покиза нарсалардан ризқланишга, яъни, ҳалол касб қилишга буюрган ва худди шу илоҳий амр оддий мўминларга ҳам қаратилгандир. Маълумки, пайғамбарларнинг овқати бошқаларникидан, уларга эргашувчи умматнинг таомидан фарқли эмас.

Эрта билан ҳалол ризқ топаман, шу орқали болаларимни боқаман деган эзгу ва покиза ниятларда ишига йўл олган одамга Аллоҳ ҳузурида улуг ажрлар ёзилади. Абдуллоҳ ибн Аббос ва Ойшадан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинган ҳадисда Набий (алайҳиссалом) куни билан ишлаб, меҳнат қилиб, чарчаб уйига келган ва чарчоқ билан уйкуга кетган кишининг ҳолатини зикр қилиб, бундай деганлар:

“من أَمْسَى كَالَاَ مِنْ عَمَلٍ يَدُهُ أَمْسَى مَغْفُورًا لَهُ”

“Ким ҳалол меҳнат қилиб, ҳориб-чарчаган ҳолда тунаса, гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди”

(Ибн Асоқир, Табароний ва Асбаҳоний). Бу ҳадис меҳнатсеварликка қизиқтириб, боқимандалик ва ишёқмасликдан қайтаради. Аҳли оиласи, фарзандлари ва ота-онасини моддий жиҳатдан таъминлаш, касалларини даволатиш йўлида меҳнат-машаққат чеккан одамга мукофот сифатида Парвардигори олам кечаси унинг гуноҳларини мағфират қилиш билан қарши оларкан. Қайси биримизнинг гуноҳимиз йўқ? Қай биримиз гуноҳлардан покмиз? Ҳаммамизнинг ё тилимиз, ё оёғимиз тояди, ё қўлимиз гуноҳга югуради. Аллоҳнинг мағфиратига, хатоларимиз ўчирилиб, Аллоҳ наздида даражаларимиз юқори бўлишига доимо муҳтожмиз. Мазкур ҳадис бир ривоятда: “Ким ҳалол касб талабида (юриб) чарчаган ҳолда тунни ўтказса, тунни гуноҳлари кечирилган ҳолда ўтказибди”, деган шаклда келтирилган. Ҳадисга шарҳ бераркан, аллома Муновий “Чунки ҳалол касб-кор ҳаракатида бўлиш вараъ (ҳаром ва шубҳали нарсалардан парҳез қилиш) ва тақвонинг устунларидандир”, дейди (“Файзул Қодир”).

Шундай қилиб, ҳалол касб гуноҳлар кечирилишига сабаб бўларкан. Бу эса, Аллоҳ таолонинг бу умматга ато этган беҳисоб неъматларидан биридир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) умматларини ҳалол касб билан ризқланишга даъват қиларканлар, уларнинг фақат бу дунёлари эмас, балки охиратлари ҳам обод бўлиб, гуноҳлари мағфират қилинишига ҳам ҳарис бўлганлари очиқ кўринади. Албатта, ҳалол ризқ, ҳалол касб билан кун кечириш нафақат дунёвий, балки ухровий фойда ва манфаатлар келтириши шубҳасиздир. Негаки, ҳалолликка интилувчи киши аввало Аллоҳ ва Расулининг буйруқ ва кўрсатмаларига амал қилаётган бўлади. Бу эса савоб ва ажр келтирадиган ишдир. Ояти карима-

да: **“Эҳсон-яхшиликнинг “жазоси” фақат эҳсон ва эзгулик бўлажак!”** (Ар-Раҳмон, 60), дейилганидек, илоҳий ўғитларга амал қилиб, ҳалол яшовчи ва оиламни ҳалолдан боқаман дея ташвишга тушувчи, қарамоғидаги кишиларнинг ғамини еювчи киши фақат мана шу ташвиши ва ғами учун ажр олиб, гуноҳлари кечириларкан.

Набий (алайҳиссалом) марҳамат қилиб, дедилар:

“**إن من الذنوب ذنوبا لا يكفرها إلا الله في طلب الحلال**”

“Шундай гуноҳлар борки, уларнинг кечирилишига фақат ҳалол ризқ топиш борасида чекилган машаққатларгина сабаб бўлади” (“Мажмаъуз-завоид”). Демак, киши ризқ талабида ва ҳалол касб излаб, қандайдир ташвиш ва машаққат чекса, мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам гуноҳларга каффорат бўлиши айтилмоқда. Бу каби ҳадислар ҳалол ризқ талабида ҳаракат қилиб, вақтинча бир қийинчилик ҳолатини бошдан кечираётган кишиларнинг руҳиятига тетиклик бағишлайди, ўксик қалбларида умид ниҳолларини ўстириши шубҳасиздир. Зеро, бу ташвишлар, бу ғамлар асло зое кетмайди. Балки гуноҳларни ювиб кетувчи раҳмат сели бўлиб қайтади. Оқибатда эса инсон ҳам ҳалол касб-корга эга бўлади, маиший ҳаёти тартибга тушади, ҳам ажр-савоб олади, ҳам гуноҳлардан покланади, иншааллоҳ.

Ҳалол меҳнат билан ризқ топиш пайғамбарлар суннати

Қуръони карим оятларида тирикчилик ўтказиш ва маиший ҳаёт заруратлари учун ҳалол меҳнат қилиш инсониятга юборилган барча пайғамбарларнинг суннати бўлгани баён қилинган. Жумладан, Фурқон сурасининг 20-оятида бундай марҳамат қилинади:


وَمَا أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنَ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا إِنَّهُمْ لَيَأْكُلُونَ
الطَّعَامَ وَيَمْشُونَ فِي الْأَسْوَاقِ

“(Эй Муҳаммад), Биз сиздан илгари юборган барча пайғамбарлар ҳам шак-шубҳасиз таом ер ва бозорларда юрар эдилар”. Имом Қуртубий (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Ушбу ояти карима (натижага эришиш учун) сабабларни ишга солиш ҳамда касб-ҳунар, тижорат, саноат ва ҳоказолар билан тирикчилик ўтказишга ҳаракат қилишнинг машрулиги борасида асос кабидир”.

Мўътабар тафсир китобларидан бирининг соҳиби Ибн Касир (раҳимаҳуллоҳ) юқоридаги ояти каримани шарҳлар экан, бундай ёзади: “Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада ўтган барча пайғамбарларнинг аҳволидан хабар бериб, уларнинг барча инсонлар қатори овқат еганлари, озиқланишга эҳтиёж сезганлари ва тирикчилик, касбу кор йўлида бозорларга борганликларини айтади”.

Қуръони каримда Довуд (алайҳиссалом) ҳақларида бундай хабар берилади:

وَعَلَّمْنَاهُ صَنْعَةَ لَبُوسٍ لَّكُمْ لِنُحْصِنَكُمْ مِّنْ بَأْسِكُمْ



“Яна (Довудга) сизларга зиён етишидан сақлайдиган совут ясашни таълим бердик. Бас, сизлар шукр қилурмисиз?!” (Анбиё, 80). Имом Қуртубий айтишича, мазкур оят касб-ҳунар, саноат ва тирикчилик сабабларини ишга солиш бора-сидаги далил ҳисобланади.

Одам (алайҳиссалом) биринчи бўлиб ер ҳайдаган, биринчи бўлиб экин эккан, биринчи бўлиб ғаллани йиғиб олган инсондирлар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиганлар, чоракорлар ва зироатчилар учун башарият отаси Одамнинг (алайҳиссалом) сийратларида гўзал ўрнак ва намуналар бордир.

Нух (алайҳиссалом) дурадгорлик билан шуғулланган илк инсон ҳисобланадилар. Аллоҳ таоло у зотга сувда сузадиган кема қуришни буюрган.

Идрис (алайҳиссалом) эса, қалам билан ёзган илк инсон бўладилар. У зот жуда чиройли, аниқ ва равшан хат билан ёзар эдилар. Ҳакимлар айтишларича: “Ҳуснихат икки фасоҳат (сўзга моҳирлик) нинг биттасидир”. Зеро, инсон ё ўз тилида ёхуд қаламида сўзга уста бўлади. Қалами билан қалбида яширин маъноларни гўзал ифода эта олади.

Луқмон (алайҳиссалом) тикувчи бўлганлар, Толут кўнчи (тери ошловчи) бўлганлар, баъзи ривоятларга кўра, саққо, яъни мешкобчи (одамларга сув улашувчи)лик билан шуғулланганлар.

Миқдом ибн Маъдиякрубдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилдилар:

”ما أكل أحدٌ طعاماً قطَّ خيراً من أن يأكل من عمل يده،
وإن نبي الله داود كان يأكل من عمل يده“

Маъноси: “Ҳали ҳеч ким ўз қўл меҳнати билан еган нарсасидан ҳам афзалроқ таом емаган (яъни энг яхши ризқ ўз меҳнати ортидан ейилган ризқдир). Албатта, Аллоҳнинг пайғамбари Довуд (алайҳиссалом) ҳам ўз қўл меҳнати билан ризқ истар эди” (*Имом Бухорий*). Нима учун айнан Довуд (алайҳиссалом) зикр қилинган? Ҳолбуки, барча пайғамбарлар ҳам ўзлари ишлаб, тирикчилик қилишган экан-ку, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга жавоб шуки, Довуднинг (алайҳиссалом) еб-ичишда фақат ўз меҳнатлари орқали топган нарсалари билан чегараланишлари муҳтожлик сабабидан бўлмаган. Зеро, у киши Аллоҳнинг пайғамбари ва бир мамлакат подшоҳи эдилар, ҳеч нарсага муҳтож эмасдилар. Лекин шундай бўлса ҳам, у киши ризқ иштада энг афзал йўлни ихтиёр этганлар. Шу боис ҳазрат Довуд (алайҳиссалом) алоҳида зикр қилинмоқда.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) эса қўй боқиш билан шуғулланганлар. Бу ҳақда ўзлари бундай гапириб берганлар: «Аллоҳ таоло қайси бир пайғамбарни юборган бўлса, албатта, у қўй боққан”. “Сиз ҳамми, ё Расулуллоҳ?”, деб сўрашди одамлар. “Ҳа, (мен ҳам), – дедилар у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). – Мен Макка аҳлининг қўйларини бир неча қийрот (пул)лар эвазига боқиб берардим» (*Имом Бухорий ривояти*).

Ҳалолкасбилан шуғулланишга чақириш фақатгина Муҳаммад пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмалари эмас, балки барча ўтган пайғамбарларнинг ҳам йўлидир. Ҳазрат Исодан (алайҳиссалом) қуйидаги ривоят келтирилади: «Ул зот бир кишининг кунлар давомида ибодатхонанинг бир бурчагида мукка тушиб ибодат қилаётганини кўрдилар ва: “Нима қияпсан?”,

деб сўрадилар. У одам: “Ибодат қияпман”, деб жавоб берди. Исо (алайҳиссалом) сўрадилар: “Сени ким боқади?” “Акам”, деб жавоб берди у. Шунда Исо (алайҳиссалом): “У ҳолда аканг сендан кўра обидроқ (кўпроқ ибодат қилувчи) экан”, дедилар». Ушбу ривоятда жуда муҳим бир маънога ишора бор. У ҳам бўлса, ҳалол касб қилувчи одамнинг меҳнати нафл ибодатдан ҳам афзалроқ эканидир, унинг кўпроқ савобга эришувидир.

Аммо меҳнатдан қочиб, осмондан олтин-кумуш ёғишини ёки ердан хазина топиб олишни кутиб юрувчи хомхаёл киши эса бу иши билан ҳаргиз Аллоҳ субҳонаху ва таолога таваккул қилаётган ҳисобланмайди. На бир оят, на бир ҳадисда ҳалол меҳнат билан шуғулланмай, фақат ибодатга шўнғиб кетиш мақталмаган. Бу иш таваккул, Аллоҳга чин маънода суяниш эмас, балки текинхўрлик, бировларга юк бўлишдир. Таваккул бу ҳамма ҳаракатни амалга ошириб, керакли чоратадбирларни қўллаб, ундан кейин натижа борасида Аллоҳга суянишни англатади. Бу мақталган хусусият. Сабабларни ўринлатмаган инсоннинг таваккули эса таваккул эмас. Ривоятда айтилишича, сира меҳнат қилмайдиган ҳалиги кимсани акаси боқаркан. Акаси ҳам касб қилиб, ҳам ўз оиласи ва укасининг оиласини боқади, ҳам зиммасидаги бандалик фарзларини бажаради, Укасидан фарқли ўлароқ, бировларнинг елкасига ортиқча юк бўлмайди. Демак, Исонинг (алайҳиссалом) талқинларига кўра, меҳнаткаш инсон, ҳеч қандай тирикчилик қилмасдан, фақат ибодатхонада ўтирадиган кимсадан кўра ибодатлироқ, обидроқ ҳисобланади.

Аввалги умматлар орасида яшаб ўтган солиҳ ва валий зотлардан Луқмони ҳаким ўз фарзанди-

га қилган насихатларидан бирида ушбу сўзларни айтган: “Эй ўғлим, ҳалол касб билан фақирликдан қутулиб, бошқалардан беҳожат бўлгин. Зеро, дунёда фақирликка йўлиққан ҳеч бир киши йўқки, агар унга мана бу учта ҳолат етмаган бўлса: диндаги заифлик, ақлнинг ўтмаслашуви ва ниҳоят олижанобликнинг йўқолиши. Бу учаласидан ҳам ёмонроғи одамларнинг унга паст назар билан қарашларидир”. Дарҳақиқат, одамлар ялқов фақирни ҳурмат қилмайди, фақирликка мубтало авом кўп ҳолатда бесабрлик ва ношукрлик балосига йўлиқади ва имони заифлашиб, намозларни ҳам тўла ўқимай қўйиши мумкин. Фақир киши пулга муҳтожлигидан пул берган одамнинг ҳамма айтганини қилади, олижаноблик, мардлик ва фахр туйғулари унинг кўнглини тарк этади.

Ҳалол касб кишини ўзгаларга муҳтожликдан сақлайди

Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) заиф санад билан нақл қилинган ривоятларнинг бирида:

“كاد الفقر أن يكون كفرا”

яъни: “Камбағаллик билан куфр (ношукрлик) ораси бир қадам” мазмунидаги ҳадис ворид бўлган (Абу Нуъайм, “Ал-Ҳилия”; Ибн Адий: “Ал-Комил”). Шу боисдан ҳам кўпинча мол-дунёси йўқ, қашшоқ кишиларнинг фикрлаш доираси тор, дунёқараши саёз ва тоат-ибодатга ҳам эътиборсиз эканларини кузатамиз. Йўқчилик уларнинг шахсиятларини синдириб, ҳамиятларини ер билан битта қилган бўлади. Ноумидликка учраганидан, ҳаётдан хафа бўлиб, ё ичкилик исканжасига ёки ўғрилиқ гирдобига тушиб қолади. Аммо ҳалол меҳнат туфайли

инсон нафси хотиржам, фикри тиниқ бўлади. Ибодатларга ўзгача ҳаловат ва хотиржамлик билан қиришади. Ҳаётидан мамнун, Аллоҳга шукр қилувчи банда бўлади. Ялқовлиги боис камбағал бўлган кишидан фарқли ўлароқ, меҳнаткаш инсон атрофидаги бой-беҳожатларга армон, ҳасад ва нафрат ёки тама кўзи билан боқмайди.

Бир ривоятда: “Албатта, Аллоҳ таоло Ўз бандасини ҳалол ризқ талабида ҳориб-чарчаган ҳолда кўришни яхши кўради”, дейилган (“*Кашифул-хафо*”).

Бошқа бир ривоятда: “Ким одамларга тиланишдан ўзини тийиш учун, оиласини боқиш учун ҳамда қўшнисига меҳр-мурувват кўрсатиш учун ҳалол мол-дунё топиш ҳаракатида бўлса, ўша киши қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурига юзи тўлин ойдек нур сочиб, боради”, дейилади (“*Шуғабул имон*”).

Бу ҳадислар мўмин кишини келажакка умидишонч билан боқиб, дунё ва охират бахт-саодати ҳақида фикр юритишга чақирар экан, уни доимо ҳалол касб билан ҳалол ризқ ҳаракатида бўлишга ундайди. Токи унинг бошқа инсонларнинг ҳеч бирига оғирлиги тушмайдиган, аксинча, қўлидан келганича ёрдам берадиган кишилардан бўлсин.

Набий (солаллоҳу алайҳи ва саллам):

“اللهم لا تجعل حوائجنا إلا إليك”

“Ё Аллоҳ, ҳожатларимизни Ўзингдан ўзгага туширмагин!” деб дуо қилардилар. Халқ орасида ҳам ёши улуғ отахонларимиз “Ўзингдан ўзгага муҳтож қилмагин!”, деб дуо қилганларини кўп эшитамиз. Яна: “Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қилмагин!” деб ҳам айтишади. Зеро, ялқовлик, танбаллик боис одамларга муҳтож бўлиш, одамлардан ўғирликка, тиланчиликка берилиш хорлигининг бир туридир.

Солиҳ зотлардан бирининг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) ҳаётида рўй берган ибратли воқеа ҳикоя қилинади. Иброҳим Адҳам (Аллоҳ у зотни раҳматига олсин) дўстлари билан кемада сафарга чиққан эди. Бирдан денгизда кучли шамол турди. Одамлар саросимага тушиб: “Тақсир, бу фалокатни кўрмаяпсизми?” дейишди. Иброҳим Адҳам: “Аллоҳга қасам, ҳали бу фалокат эмас, ҳақиқий фалокат – одамларнинг қўлига қарам бўлиб қолишдир”, дедилар. Қаранг, кемада кетаётган Иброҳим Адҳам (раҳматуллоҳи алайҳ) денгиздаги шиддатли, даҳшатли тўфондан ҳам кўра, одамларга муҳтож бўлиб қолиш ёмонроқ фалокат эканини уқтирмоқда.

Ҳалол касб ва таваккул тушунчаларининг уйғунлиги

Баъзилар таваккул тушунчасини умуман нотўғри маънода талқин қилишади. Ҳеч қандай сабабларни ишга солмасдан, ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан Худодан катта ризқ ва мўъжиза содир бўлишини кутиб ўтиришни таваккул деб ўйлашади. Бундай ҳол, албатта, таваккул моҳиятини англамаслик оқибатидадир. Маълумки, бу дунё сабаблар дунёси. Аллоҳ таоло бу дунё низомини ўзгармас бир қонуният устига барпо қилган. Совуқнинг музлатиши, оловнинг куйдириши, овқат ейиш билан очлик кетказиши, дори-дармон, муолажа билан касаллик бартараф қилиниши ва ҳоказо каби табиий қонунлар жорийдир бу оламда. Тўғри, Аллоҳ иродаси билан истисно ҳолатларда гоҳи бу қонунлар мувозанати бузилиб, сабаблар ортга чекиниб, илоҳий мўъжизалар тажаллий қилиб туради. Лекин умумда сабаблар ишга солинса, ўша сабабларга Аллоҳ барака бериб, яхши натижага эришилади. Касалликдан тузалмоқчи бўлган

одам даволанади, майли, хоҳ дори-дармон билан, хоҳ руқя оятлари ва маъсур дуолар билан бўлсин. Ўқишга кирмоқчи бўлган одам имтиҳонга жиддий тайёргарлик кўради, китоб ўқийди, олдинги дарсларини такрорлайди. Худди шунга ўхшаб, ризқи мўл бўлишини истаган киши осмондан пул ёғилишини ёки оёғи остидан тилла топиб олишини кутиб ўтирмасдан, ҳалол меҳнат қилади, ақлини ишлатиб, тадбирини топиб, Аллоҳдан барака сўраган ҳолда, доим ҳаракатда давом этади ва Аллоҳга таваккул қилади. Ана шундагина саъй-ҳаракатлари, меҳнатлари самарасини кўради. Акс ҳолда, ҳеч қандай натижага эришолмайди.

“Таваккул” сўзи араб тилида суяниш, ишониш маъноларини англатади. Таваккул бу – мўминнинг қуроли бўлиб, аввал ҳеч қандай камчиликка йўл қўймаган ҳолда имкониятдаги барча моддий ва маънавий чора-тадбирларни қўлаганидан кейингина ишга солинади. Ана шунда Аллоҳ таоло ўша бандасининг таваккулига жавобан ишининг охирини хайрли қилади. Аммо ҳеч қандай сабаб ва воситаларни ишга солмасдан, ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан яхши натижа кутиш ҳаргиз таваккул дейилмайди. Балки бу “тавокул”, яъни лоқайдлик, ўзгаларга оғирини ташлаш, юк бўлиш деб аталади.

Анас ибн Молиқдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда келишича, бир киши Набий (алайҳиссалом) ҳузурларига туя устида келиб: “Ё Расулуллоҳ, туямни боғлаб таваккул қилайми ёки шундай қўйиб юбориб, таваккул қилайми?” деб сўради. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“اعقلها وتوكل”

“Уни аввал боғлаб, кейин таваккул қил”, дедилар (Имом Термизий ва Байҳақий; “Шуъабул имон”).

Ушбу ҳадисда таваккул тушунчасига чиройли изоҳ берилган. Туяси қочиб кетиши, йўқолиб қолишини истамаган одам аввал уни боғлаб, кейингина Аллоҳга таваккул қилади. Аслида боғланган туя ҳам ипини узиб, кетиб қолиши мумкин. Аммо инсондан имкони борида чора-тадбирларни қўллаш талаб қилинади, имконидан ташқаридаги нарсада эса Аллоҳга суянади. Шунга кўра, таваккул сабаблар ишга солинганидан кейин амалга кирилади, улардан олдин эмас. Сабабларни ўринлатишдан, ҳаракатдан олдин таваккул қилган одам таваккул қилган ҳисобланмайди. “Туянгни аввал боғлагин-да, кейин таваккул қил!” Ҳа, аввал ҳаракат қил, имкониятингдаги воситаларни ишга сол. Зеро, сенинг ҳаракат қилмасдан Аллоҳга “эркалик” қилишга ҳақинг йўқ. Ахир, башарият Саййиди (алайҳиссалом) ҳам натижага эришиш учун доимо ҳаракат қилганлар. Жангга киришдан олдин икки қават совут кийганлар, Маккадан Мадинага ҳижрат қилар эканлар, хатардан сақланиш учун кундузи дам олиб, тунда юрганлар, йўлдаги изларини йўқотишга буюрганлар, ғорга кириб беркинганлар. Хуллас, имконларидаги барча восита, тадбирларни ишга солганлар. Шу билан бир қаторда Аллоҳ таолога, Унинг мададига суянганлар. Зеро, Аллоҳнинг баракоти, ёрдами ва мадади бўлмаса, сабаблар ҳам ҳеч нарсани ҳал қилолмайди. Яхши натижани сабаблар кафолатлай олмайди. Балки улар натижага олиб боровчи йўлдир, холос. Тавфиқ фақат Аллоҳдан.

Шундай қилиб, таваккул икки рукндан иборат: биринчиси, маслаҳат ва ғайрат билан имкониятидаги барча сабабларни ишга солиш, иккинчиси, сабаблар ўринлатилиб, чора-тадбирлар амалга оши-

рилганидан сўнг, муваффақият борасида қилган ишларига эмас, балки Аллоҳ таолога суяниш, хайр-ли натижани У Зотдан кутишдир.

Ривоят қилинишича, хулафои рошидинлардан ҳазрат Умар ибн Ҳаттоб (розияллоҳу анҳу) намоздан сўнг масжиддан чиқмасдан, кўмилиб ўтирадиган бир тоифа кишиларни кўриб, хайрон бўлдилар. Сўнг улардан: “Нима учун доим масжидда ўтираверасизлар, бирор тирикчилик қилмайсизларми?” деб сўрадилар. Улар бу ўтиришларини ризқда Аллоҳ таолога таваккул қилишлари даъвоси билан оқлашга уринишди. Шунда мўминлар амири қўлларидаги қамчи билан уларга таҳдид қилиб: “Бирор кишининг осмондан олтин-кумуш ёғмаслигини билса ҳам, ризқ талабида саъй-ҳаракат қилмасдан: “Ё Аллоҳ, мени ризқлантир!” дея мана бу аҳволда ўтириб олганини бошқа кўрмайин!” дея қаттиқ дашном бердилар.

Бир куни Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан (рахма туллоҳи алайҳ): “Мен ҳеч қандай иш қилмасдан Аллоҳга таваккул қилиб, ризқим келишини кутиб ўтираман”, дейдиган киши ҳақида сўрашди. Шунда Имом Аҳмад: “У нодон кишидир. Ахир, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуш ҳақидаги: “Эрта тонгда оч чиқиб кетиб, кечқурун тўқ қайтади”, деган гапларини эшитмаганми?!” дедилар. Яъни, уйда ўтириб, ҳеч иш қилмасдан ризқ келишини кутадиган инсон Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога таваккул қилиш қандай бўлишини англаб етмаган бўлади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақиқий таваккулни зикр қилганларида:

”لو أنکم تتوکلون علی الله حق توکلہ لرزقکم كما یرزق الطیر
تغدو خماصا وتروح بطانا“

“Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганларингизда эди, сизларни худди эрта тонгда (инларидан) оч ҳолда чиқиб кетиб, кечқурун тўқ қайтувчи қушларни ризқлантирганидек ризқлантирган бўларди”, деб марҳамат қилганлар (Сунани Термизий).

Бу ҳадисда ҳам таваккул моҳияти гўзал қиёс билан очиб берилган. Қушлар ўз инида ўтириб ризқи келиб қолишини кутиб ўтиришмайди. Балки улар ҳам худди биз ҳалол, пок ва баракали ризқ топиш ниятида меҳнат қилганимиз каби ризқларини териш учун эрта тонгдан инидан чиқиб кетади. Сўнгра ўзи учун ёзилган ризқини топиб, қорнини тўйдиради ҳамда полапонларига ҳам озуқа йиғади, кечқурун эса қорни тўқ ҳолда уясига қайтади. Таваккул шу. Эрта тонгда Аллоҳга таваккул қилиб, Аллоҳдан барака умид қилиб, ҳалол меҳнатга отланган инсоннинг ҳаракатлари зое кетмайди, ишига барака берилади. Мана шундай сабъ-ҳаракатдаги инсон Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилаётган бўлади.

Дуолар ижобат бўлишида ҳалолликнинг аҳамияти

Дуоларни Аллоҳ таоло ижобат қилишининг асосий сирларидан бири ризқ-насибани, луқмани ҳалолдан топишдир. Луқма ҳалоллиги деган тushунча нафақат егуликнинг ўз ҳолича тоза, ҳалол бўлишигина эмас, балки ўша егуликнинг келишига сабаб бўлган маблағнинг ҳам ҳалол йўл билан, ҳалол касб орқали топилган бўлишидир. Масалан, шаръий йўл билан сўйилган жонивор гўшти ҳалол, лекин уни ҳаром пулларга сотиб олиб, еган киши ҳаром луқма еган ҳисобланади. Нон ўз ҳолича ҳалол овқат, аммо уни бировдан ўғирлаб, тортиб олиб ейилса

ёки ўғирлаб олинган пулга сотиб олинса, ана шу иш ҳаромлиги боис, ҳаром еган бўлади ва ҳоказо...

Ҳалол касб деганимизда, айти шу маънода гап кетади. Яъни, ҳалол нарсаса ҳалол йўл билан эга бўлиш лозим. Мисол тариқасида гапирадиган бўлсак, ҳалол меҳнат, мерос, ҳадя, икки тараф розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга кирган мулк ҳалол бўлади. Мусулмон киши учун ҳалол нарсани талаб қилиш, ҳалолдан молу мулк топиш фарздир. Мусулмон киши ҳалол бўлган нарсани, шариатда ҳалол қилинган йўл билан топиб, фойдаланиши керак.

Ҳаром нарсалар, ҳаром мол-дунё эвазига келган овқатлар билан озиқланиб улғайган одамнинг дуолари қабул қилинмайди. Ундай инсон то тавба қилиб, ҳаром луқма ейишдан тўхтамас экан, ҳар қанча зору тавалло билан дуо қилса ҳам, дуо-си инобатга олинмайди. Қуйидаги ҳадиси шариф шунга далолат қилади:

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم "إن الله طيب لا يقبل إلا طيباً وإن الله أمر المؤمنين بما أمر به المرسلين فقال: يا أيها الرسل كلوا من الطيبات واعملوا صالحاً إني بما تعملون عليم وقال: يا أيها الذين آمنوا كلوا من طيبات ما رزقناكم، ثم ذكر الرجل يطيل السفر أشعث أغبر يمد يديه إلى السماء يا رب يا رب ومطعمه حرام ومشربه حرام وملبسه حرام وغذي بالحرام فأنى يستجاب لذلك. {رواه مسلم والترمذي}

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Аллоҳ покдир ва фақат пок нарсаниги-

на қабул қилади. Албатта, Аллоҳ пайғамбарларга буюрган нарсани мўминларга ҳам амр этди: **“Эй Пайғамбар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва солиҳ амаллар қилинглар”** (Мўминун, 51), **“Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз – покиза нарсалардан енглар”** (Бақара, 172). Сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) узоқ сафарда юрганидан, сочлари тўзғиб, патила бўлиб кетган, чанг-тўзон сочининг рангини ўзгартириб юборган бир киши ҳақида гапирдилар: “Ҳалиги одам қўлларини кўкка чўзиб: “Парвардигоро! Парвардигоро!” деб (ёлвориб) дуо қилмоқда. Бироқ унинг егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром ва ўзи ҳаром билан озиқланган. Шундай экан, қандай қилиб унинг дуоси ижобат бўлсин?!» (Имом Муслим, Имом Термизий).

Мазкур ҳадис ҳалоллик ва поклик борасида олам-олам маъноларни ўз ичига олади. “Аллоҳ покдир ва фақат пок нарсанигина қабул қилади”. Яъни Парвардигор наздида фақат ҳалол-пок йўллар билан орттирилган моллардан қилинган хайр-эхсон ва эзгуликларгина мақбул бўлади. **“Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз – покиза нарсалардан енглар!”** Бу ояти каримада еяётган ризқимиз доимо ҳалол бўлиши лозимлигига амр этилган.

Юқорида келтирилган ҳадисда узоқ йўлда юриб, азобу уқубатлар чекканидан сочлари тўзғиган, устбоши бир аҳволда, бошларини чанг-тўзон қоплаган бир кимсанинг қўлларини кўкка чўзиб: “Ё Раббим, ё Раббим!” дея Худога зорланиб, илтижо қилиши, лекин ҳар қанча уринмасин, дуоси қабул бўлиши амримаҳол экани айтилади. Ҳолбуки, у кишида дуо ижобат бўлишининг деярли барча зоҳирий сабаблари жам бўлган эди: сафарда машаққат чекиш,

ғариблик, музтарлик, хокисорлик, қўлни осмонга чўзиш, зорланиш ва ҳоказолар. Аммо шундай бўлса-да, унинг дуолари ижобат қилинмади. Нима учун? Чунки “унинг егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром ва ўзи ҳаром билан озиқланган. Бас, қандай қилиб унинг дуоси ижобат бўлсин?!” Бу сўз ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилмайдиган кимсанинг дуоси шунчаки қабул этилмаслигини эмас, балки, қабул бўлиш эҳтимоли ҳам йўқлигини билдиради.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Эй инсонлар! Аллоҳ таоло пок зотдир. У фақат покиза амалларнигина қабул этади”. Бухадис маънолари нафақат муайян амалнинггина покиза ва хуш бўлиши, балки мўмин кишининг покиза ҳаёт билан умр кечириши, олди-бердиларида ҳалолликка риоя қилиши, қалбини адоват, риё, тама, ҳасад, кўролмаслик, кибр, гинаю кудурат каби маънавий чиркинликлардан ҳам покиза ва мусаффо тутишга интилиши лозимлигига ҳам далолат қилади. Зеро, Аллоҳ таоло наздида мўминларгина нажот топадилар: **«Улар покиза бўлган ҳолларида, фаришталар уларнинг жонларини олар эканлар: “Сизларга тинчлик-омонлик бўлгай. Энди қилиб ўтган амалларингиз сабабли жаннатга кирингиз”, дерлар»** (Наҳл,32).

Ибн Ражаб Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Аллоҳ фақат покиза амалларнигина қабул этади”, деган сўзлари шарҳида айтади: “Мўминнинг қалби ҳам, тили ҳам, танаси ҳам пок бўлади: Унинг қалбида имон ўрнашган, тили зикру дуо билан машғул. Аъзолари билан эса имон самараси саналган ва имон исмига кирувчи солиҳ амалларни адо этади”.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи

ва саллам) ҳузурларида ушбу оятни ўқидим: “**Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар**” (Бақара, 168). Шунда Саъд ибн Абу Ваққос ўрнидан туриб, деди:

– Ё Расулуллоҳ! Аллоҳга дуо қилинг, мени дуоси қабул бўладиган киши қилсин.

– Эй Саъд, – дедилар Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), – луқмангни ҳалол-покиза этгин, дуоси мустажоб киши бўласан. Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасам, қорнига ҳаром луқма туширган банданинг амалини қирқ кунгача Аллоҳ қабул қилмайди. Ҳаромдан семирган банданинг жойи дўзахдадир» (Табароний).

Ислом танбалликни қоралайди

Муқаддас динимиз кишиларни меҳнатга, меҳнатсеварликка чорлайди. Унинг ҳаётбахш таълимотларида касб-ҳунар, омилкорлик, чорвачилик, деҳқончилик, уста-ҳунармандлик, тижоратчилик, бозоргонлик, ишчи-хизматчилик каби инсоннинг ўзига ҳам, жамиятга ҳам, атроф-муҳитга ҳам улкан фойда ва манфаатлар келтирадиган ҳалол ишлар билан шуғулланиш орқали фаровон турмушга эришуви кенг кўламда тарғиб ва ташвиқ этилади.

Динимиз пешона тери билан топилган мол-мулк қўлга киритилган нарсаларнинг энг яхшиси ва ёқимлиси эканини таъкидлаш баробарида ишёқмаслик, танбаллик, бекорчилик, тиланчилик, ўзгаларга юк бўлиш каби иллатлар гирдобига тушиб қолишдан огоҳлантириб, бу каби зарарли одатларни қаттиқ танқид остига олади. Агар динимиз таълимотларини диққат билан ўрганиб, ундаги ўғит ва қайтариқларнинг ҳикмати борасида

теранроқ тафаккур юритадиган бўлсак, у инсониятнинг бу дунёсини обод ва мазмунли, охиратини эса саодатли қиладиган ишларга буюрганига гувоҳ бўламиз. Дунёнинг ободлиги эса фақат яхши амаллар билан, меҳнат ва тадбир билан ҳосил бўлади.

Маълумки, рибо-судхўрлик барча динларда ман қилинган. Унинг қаттиқ тақиқланишига кўп сабаблар бўлиб, улардан бири тайинли, фойдали меҳнат қилмаган, машаққатсиз, бировлар ҳисобига бойиш эканлигини кўрамиз. Динимиз рибодан қайтарар экан, тижорат, тадбиркорлик, зироатчилик, чорвачилик, ҳунармандлик ва бошқалар каби заминни обод қилиб, гуркиратадиган, жамиятга фақат аниқ фойда келтирадиган ишларни амалга оширишга буюради. Кўряпсизми, ҳалол меҳнат эвазига бойлик орттирилганида нафақат инсоннинг ўзи, балки эл-юрт, атроф-муҳит ҳам манфаат кўради. Ишсизлик муаммосига зарба берилади, мева-чева, мол-ҳол кўпаяди, бозорлар турли савдо моллари билан тўлиб тошади, иморатлар қад ростлайди.

Дангасалик, ишёқмаслик эса аввало инсоннинг ўзига, ундан кейин бошқаларга ҳам зарар етказди. Дангаса одам ҳаётда кўп нарсага эришолмайди. Ваҳоланки, бу ҳаёт доимий ҳаракатда, ўзгариш ва янгиланишда бўлиб, бир босқичда тўхтаб, қотиб турмайдиган жараёндир. Маълумки, ҳар бир оиланинг ўзига яраша кам-кўстлари, эҳтиёжлари бўлади, фарзандлар ўсиб-улғайиб оёққа тургунига қадар уларнинг таъминоти билан шуғулланиш керак. Лекин оила бошлиғи танбал ва ишёқмас бўлса, ортиб борувчи эҳтиёжлар охир-оқибат уни боши берк кўчага олиб киради. Ниҳоят, танбал одам тиланчилик қилишга, ғурурини топтаб, ҳаммадан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Ялқовлик унга дунё ва охиратда хорлик келтиради.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Жоним измида бўлган Зотга (Аллоҳга) қасам, бирингиз арқонини олиб, ўтин териб, елкасида кўтариб келтириши ва уни сотиб, пулига ўзи ҳам еб, садақа ҳам қилиши Аллоҳ таоло фазлидан ато қилган бой кишининг олдида келиб тиланишидан яхшироқдир. Ҳолбуки, у киши ё беради, ё бермайди” (*Муттафақун алайҳ*).

Дарҳақиқат, инсон тиланчиликни ўзига касб қилганидан кўра ўтин териб келиб, ҳаёт кечиргани минг марта яхшироқдир. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган бошқа бир ҳадисда: “Киши тиланчилик қилавериб, охири юзида бир парча ҳам гўштсиз ҳолда Аллоҳга йўлиқади”, деб огоҳлантирилади (*Имом Бухорий, Имом Муслим*).

Ушбу ҳадис мазмунига кўра тиланишни ўзига касб қилиб олган, ишламасдан, фақат тама билан тиланиш билан умр кечирувчи киши Аллоҳга йўлликқанида юзида гўшти бўлмас экан. Бу ҳар ҳолда мукофот эмас, балки жазонинг бир тури экани аниқ. Чунки юз гўшти билан чиройли. Агар юзда гўшт бўлмаса, юз териси суякларга ёпишиб, чакалар ва ёноқ суяклари бўртиб чиқиб, кўз ичкарига кириб кетиб, кишининг қиёфаси қандайдир совуқ ва ёқимсиз тусга киради. Шу боис юзининг сувини кетказиб, уни қора қилиб, доим бировлардан пул сўраш билан яшаган одамнинг ўз нафсига нисбатан содир қилган жинояти қиёматда ўзига шу йўсинда кўрсатиб берилса, ажаб эмас. Бундай ҳолга тушишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин!..

Дангасалик ўлим...

Дангасалик иллоти қайси халқда илдиз отса, албатта, уни заифлаштиради, тараққиёт карвонидан ортда қолдиради ва вайрон қилади. Бу касал-

лик қайси шахсга етса, уни хор қилади, обрўсидан айиради. Одамлари танбал, дангаса бўлган, илму фан ривожланмаган, қонун топталган юрт умуман ривож топмайди. Халқи ўзгаларга қарам бўлади, душманлар бундай юртни истаганча топтайдилар, талайдилар. Натижада халқ улкан моддий ва маънавий зарар кўради. Шу боис ҳам маърифатчи улуғларимиздан Мунаввар қори бундан юз йил олдин бундай ёзганлар:

Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб сендан

иш кутадир.

Сенда кўргач ишсизликни, ҳасрат чекиб қон ютадир.

Тур ўрнингдан, оч кўзингни,

Айт ёвингга сўнг сўзингни.

Ёвинг кимдир, биласанми, нодонликдир, ялқовликдир,

Ёвга қарши курашмаслик, қўрқоқликдир, анқовликдир.

Ҳа, инсон бирор яхшиликка эришмоғи учун энг аввало эзгу ният билан саъй-ҳаракат, ғайрат кўрсатиш бу йўлда тўсқинлик қилаётган ички душмани – ялқовликни енгиши керак. Ялқовлик шайтондандир.

Танбаллик, ялқовлик аслида ўлимнинг бир туридир. Зеро, танбалликни касб қилган ҳамма нарсасини бой беради. Роғиб Исфаҳоний айтади: “Бекорчи ва ишёқмас киши нафақат инсонийликдан жудо бўлади, балки ҳайвонийликдан ҳам мосуво бўлиб, мурдалар сафига қўшилади”. Ўз нафсини дангасалик ихтиёрига топширган киши нафақат инсонлар, балки ҳайвонлар сафидан ҳам чиқиб қоларкан. Чунки инсонга икки хил қувват ато этилган: жасадий-шаҳвоний қувват ҳамда ақлий-руҳоний қувват. Инсон ҳар иккисини ишга солиб, касб-кор билан шуғулланиб, ризқ излаб, дунёвий ва ухровий манфаатларга эга бўлади, маънавий,

руҳий озуқа олади, ажр-савоб қозонади ва ҳақ йўлга ҳидоят қилинади. Дангаса эса дунёси ва дини учун ҳаракат қилишдан бўйин товлайди.

Бекорчилик қалб қушандаси

Дангасалик бекорчилик иллатини келтириб чиқаради, ёки аксинча: бекорчилик дангасаликка олиб боради. Чунки қиладиган ишининг тайини йўқ одам вақт бўшлиғини кўпинча бефойда нарсалар билан тўлдиради.

Бекорчилик энг зарарли офатлардан биридир. Ақлли инсон бу дунёда бекор турмайди. Ҳатто бўш вақтини ҳам зое қилмайди. Балки ё дунё, ёки охира-т учун фойдали бўлган ишларга сарфлайди.

Бекорчилик секин-аста инсонни ишдан чиқаради, ҳаётини вайрон қилади. Тана аъзолари ҳаракатсиз қолса, ишдан чиқади, заифлашиб қолади. Спорт мана шунинг учун чиқарилган. Худди шу каби қалбнинг ҳам ўз риёзати (спорти) бўлиши керак. Зеро, бекорчилик биринчи галда қалбга, нафсга хужум қилади. Шу боис ҳам ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): “Нафсингни фойдали нарсалар билан машғул қил, акс ҳолда уни зарарли нарсалар эгаллаб олади”, деб бекорчиликдан огоҳлантирганлар.

Инсон бекорчиликка берилса, нафси уни зарарли одатлар, васваса ва шаҳватлар сари етаклайди. Шунинг учун вақтимизни доимо фойдали нарсалар билан тўлдиришимиз керак. Гоҳо жуда ишсиз қолганда, ҳатто дам олиш, яхшилар билан суҳбат, мубоҳ бўлган ўйинлар, сайру саёҳат қилиш билан ҳам нафсни машғул қилиш лозим. Халқ орасида: “Яхши дам меҳнатга ҳамдам” деган нақл ҳам бежиз айтилмаган.

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): “Мен одамнинг на дунё иши, на охира-т иши билан машғул

бўлмасдан, ғирт бекорчи бўлиб юришини ёмон кўраман”, деганлар.

Юқорида айтганимиздек, тана аъзолари ишламаса, меҳнат қилмаса, ғаризалари ҳаракатсиз қолса, ишдан чиқади. Аллоҳ таоло ҳайвонга тез ҳаракат қилиш қуввати, абжирлик, ўткир тирноқ ва тиш бергач, унинг ризқини ҳам шу воситалар билан амалга ошириладиган саъй-ҳаракатга боғлиқ қилиб қўйди. Бундай ҳаракатлар унга ато этилган қувватларнинг ишдан чиқмаслигини таъминлайди. Шундай экан, инсон ҳам баданий ва фикрий қувватларини ишлатиб туриши керак. Агар инсон дангаса бўлса, жасади ялқовланиб, ҳаракатсиз бўлиб қолади ва турли хасталикларга дучор бўлади. Руҳияти ва онгини тафаккур қилишдан узоқлаштира, ақли ўтмаслашиб, фикри саёзлашиб қолади.

Язид ибн Муҳаллаб айтади: “Барча дунёвий ишларим ўзича йўлга тушиб кетиши мени хурсанд қилмайди. Агар шундай бўлганида, ожизлик ва бекорчиликка одатланиб қолган бўлардим”.

Баъзан инсон нафси турли нарсаларни хаёл ва орзу қилади: қанийди қўлимда мана бунча пул пайдо бўлиб қолса эди, данғиллама уй қуардим, мана бунақа машиналарда юардим, фалон жойларга бориб саёҳат қилардим, деган хомхаёллар суради. Ҳолбуки, агар ҳамма инсонга бу дунёда тилаган нарсаси бирор меҳнатсиз, ҳатто ақлий ҳаракатсиз, ҳеч қандай тадбирсиз беҳисоб равишда берилаверса, унда дунёнинг низомига путур етган, инсонлар маънавий жиҳатдан бузилиб, меҳнатсеварлик, касбу кор қилиш, илм ўрганиб, олим бўлиш каби инсоний фазилатларга ўрин қолмаган бўларди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бу дунёда ҳамма нарсани муайян ўлчов билан нозил қилади. **“Ҳар бир нарсанинг хазиналари Бизнинг**

даргоҳимиздадир. Биз у нарсаларни аниқ ўлчов билан (сизларга) туширурмиз” (Ҳижр, 21).

Шу боис ҳам одатда инсонга ҳеч қандай меҳнатсиз катта дунёвий неъмат берилмайди. Тўғри, гоҳида баъзи инсонларга кам меҳнати билан кўп нарсалар ато қилиниши мумкин. Аммо бу умумий бир қоида эмас, балки Аллоҳнинг марҳамати ёки синовидир. Боз устига кам меҳнат туфайли кўп неъматларга эришилгандек бўлиб кўринган ҳолат ортида аслида қандайдир ақлий меҳнат, тадбир, дуо ва ҳоказо ҳикматлар ётган бўлиши мумкин. Ташқаридан осон пул топаётгандек кўринаётган одам аслида тадбири кучли, мол топиш йўллари яхши биладиган инсон бўлиши мумкин. Қисқаси, Аллоҳ таоло махлуқотлар ризқини уларга ато этилган қувватларни ишга солиб, сабабларни бажаришга боғлиқ қилиб қўйган экан, тўрт мучаси соғ, ақлли инсоннинг ялқовлик чангалига тушиб, ишламай ўтириши, аҳли оиласини хор қилиши ҳеч қайси мантиққа тўғри келмайди. Бунинг ўрнига у меҳнат қилиши, ақл қувватини ишлатиб, бирор касб-ҳунарни эгаллаши, тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги билан қонун доирасида мол-мулк қозонишга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳаракатда баракат...

Ҳар бир нарсага эришишда озми-кўпми меҳнат талаб қилинади. Инсон Худога таваккул ва дуо қилиб, ризқ талабида ҳаракат қилса, албатта, нонурид қайтмайди, меҳнатлари бесамар кетмайди, иншааллоҳ. Биби Марям (алайҳиссалом) билан бўлган воқеа ҳақида фикр юритсак, бу ҳақиқат кўз ўнгимизда янада равшанроқ намоён бўлади.

Марям онамиз Исони (алайҳиссалом) дунёга келтирарэканлар, биртомонданқавмдошларининг иғво ва ғийбат қилишларидан қўрқиб, бошлари

оққан томонга юрсалар, яна бир томондан тўлғоқ азобларидан қийналиб, ўта аянчли бир аҳволга тушган эдилар. Шу тариқа юриб-юриб, қуриган ёки мевасиз бир хурмо дарахтининг тагига келиб қоладилар. Ундан уёғига юролмайдилар. Шунда Аллоҳ таоло Жаброил (алайҳиссалом) орқали Марямга бундай амр қилади:

وَهْزَى إِلَيْكَ بِحِذِّ النَّخْلَةِ تَسْقُطُ عَلَيْكَ رَطْبًا جَنِيًّا

“Мана шу хурмо дарахти танасини силкитгин, у сенга янги хурмо доналарини ташлар!” (Марям, 25). Муфассирлар сўзига кўра Марям онамиз шу тобда эндигина кўзлари ёриб, Исони (алайҳиссалом) дунёга келтирган ва ўта заиф ва бе-мажол ҳолда мазкур дарахт танасига суяниб ўтирган эдилар. Аллоҳ таоло у кишига каромат тарзида ҳалиги мевасиз хурмо шоҳларида сархил пишган меваларни пайдо қилади, шундоқ ёнларида эса зилол сувли ариқчани жилдирашиб оқизиб қўяди. **“Мана шу хурмо дарахти танасини силкитгин, у сенга янги хурмо доналарини ташлар!”** деб буюради. Одатда дарахт танасини қимирлатиб, мева тушириш учун катта куч талаб қилинади. Шу боис, одамлар дарахтни пастидан эмас, тепа тарафидан, бирор сўйил ёрдамида ёки шох тепасига чиқиб силкитишади. Лекин Марям онамизга нифос вақтидаги дармонсизлик ҳолатида токи олдига мева тушиб, улардан ейишлари учун дарахтни силкитиш талаб қилинди. Ҳолбуки, мевасиз дарахтда бир зумда шиғил меваларни пайдо қилиб, дарахт остидан бир онда булоқ чиқариб берган Зот ўша меваларни Марям онамизнинг шундоқ кафтларида пайдо қилишга ҳам қодир эди. Бироқ ундай қилмасдан дарахтни силкитиш-

га буюради. Бунда нима ҳикмат бор? Бунда бирор натижага эришиш учун сабабларни ишга солиш, қандайдир меҳнат қилиш лозимлигига ишора бор. Инсон ҳеч бўлмаса, ниманидир “силкитиши” керак, қандайдир ҳаракат қилиши керак, ана шунда ҳаракатига баракот берилади, иншааллоҳ. Лекин “олма пиш, оғзимга туш” қабилида ётаверса, тай-ёр нарсадан ҳам қуруқ қолиши мумкин. Мазкур қуръоний қиссада жуда катта ибрат ва сабоқ яширинган. Ҳаракат бир сабаб, берувчи эса Аллоҳ таолодир. Бу Аллоҳнинг фоний дунёдаги қонуни. Лекин инсон ҳеч қандай сабабни ишга солмай, ҳатто дуо ҳам қилмай, ҳаракатсиз ўтираверса, нима учун Аллоҳ айнан ўша дангаса ва эркатоӣ бандаси учун табиӣ қонунларни бузиб, мўъжиза кўрсатиши керак? Аллоҳ бунга мажбур эмас. Ахир Марям онамизга ҳам каромат тарзида берилган мевалар шунчаки берилмади, эвазига дарахтни силкитиш, таъбир жоиз бўлса, бир оз меҳнат қилиш талаб қилинди.

Меҳнат – роҳат...

Бу дунё синов дунёси, унда ҳамма нарса меҳнат, машаққатга боғлиқ. Ким меҳнат қилса, роҳат кўради. Ким дангасаликка ўрганиб, мунтазам равишда роҳатга майл қилса, роҳатдан маҳрум бўлади ёки унга асло эришолмайди. Шунинг учун ҳам донолар: “Агар чарчашни хоҳламасанг, чарчагин!” дейишган. Яъни “Машаққатлардан қутулиб, роҳатга эришмоқчи бўлсанг, аввал машаққат билан меҳнат қил, ундан кейин чеккан машаққатларинг эвазига умр бўйи роҳатда яшайсан”, деганидир бу. Яна дебдиларки: “Дангасалик ва жиззакиликдан эҳтиёт бўл. Зеро, дангаса бўлсанг, ҳақни адо қилолмайсан. Борди-ю жиззакилик қилсанг, ҳаққа сабр қилолмайсан”. Яъни эринчоқ, дангаса

одам зиммасидаги вазифаларини мукаммал адо қилолмайди, Рабби фарз, вожиб қилган ишларни амалга оширишга сабри етмайди. Жиззаки, асабий, фақат нолишни биладиган, норози одам эса Аллоҳнинг иродаси билан содир бўлган мусибат, йўқотиш ва ҳоказоларга сабр қилолмайди. “Ҳақни адо қилолмайсан” ва “ҳаққа сабр қилолмайсан” деган сўзларнинг маъноси шундай.

Дангасалик, ишёқмаслик барча кулфатларнинг бошидир. Камбағаллик айб эмас, аммо у ялқовлик сабабидан келган бўлса, катта айбдир. Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анху) айтади: “Эринчоқлик ва ишёқмаслик бир-бири билан турмуш қурди, натижада уларнинг ўртасида фақирлик туғилди”. Ҳа, қайси бир кишида ожизлик, ношудлик ва дангасалик мужассам бўлса, у инсон фақирликка юз тутарди. Дангасалик ва ожизлик уруғини ерга қадаган одам, алалоқибат қашшоқлик ҳосилини йиғиб олади. Ожизлик деганда ўз иқтидорини баҳолай билмаслик, ўзига ишонмаслик, “қила олмайман”, “қўлимдан келмайди”, “уддасидан чиқолмасамчи?” деган қўрқув ва хавотирларга берилиб, бирор ишга қўл уришга ботина олмаслик тушунилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ожизлик ва дангасалиқдан паноҳ сўраганлар. У киши қуйидаги дуони жуда кўп ўқирдилар:

“اللهم إني أعوذ بك من الهم والحزن، والعجز والكسل...”

“Ё Аллоҳ, мен Сендан ғам ва қайғудан, ожизлик ва дангасалиқдан паноҳ беришингни сўрайман” (Абу Довуд, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари). Ғам ва қайғу бир-бирига жинсдош нарсалар бўлгани каби дангасалик ва ожизлик ҳам бир-бирига ўхшаш нарсалардир. Шу боис ҳам улар ҳадисда ёнма-ён зикр қилинган. Пайғамбаримиз,

паноҳ сўрабдиларми, демак танбаллик чиндан ҳам ёмон нарса экан.

Дангасалик сабаблари

Танбаллик ва дангасаликни келтириб чиқарадиган бир неча сабаб ва омиллар мавжуд бўлиб, ожизлик ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Набий (алайҳиссалом) марҳамат қилиб дедилар: “Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхшироқ ва Аллоҳга маҳбуброқдир, лекин ҳар иккисида ҳам яхшилик бор. Сенга фойдали бўлган ишларга ҳарис бўлгин ва (ишингда) Аллоҳдан ёрдам сўрагин, лекин ҳаргиз ожизланмагин!” (*Имом Муслим, Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти*). Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларни фойда ва манфаат келтирадиган ишларда Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда фаол, ғайратли ва пешқадам бўлишга тарғиб қилганлар, ожизланиш ва иккиланиш, журъатсизликдан қайтарганлар.

Кўп уйқу, кўп ейиш ҳам ялқовликка сабаб бўлади. Чунки, кўп ухлайдиган одамнинг баданлари бўшашиб, камҳаракат бўлиб қолади, ғафлат ва роҳатга берилади. Асосий вақти шу йўсинда ўтгач, ўз-ўзидан кўплаб фойдали ишларни ўтказиб юборади. Ибн Қаййум айтади: “Кўп ухлаш қалбни ўлдиради, жасадни ишдан чиқаради, вақтни зое қилади ҳамда ғафлат билан дангасаликни чақиради” (“*Мадорижус соликин*”).

Кўп еб-ичиш ҳам шундай, баданни семиртириб, оғирлаштириб қўяди. Тўйиб овқат еганда жасаддаги куч-қувват захираси овқатни ҳазм қилишга йўналтирилгани учун инсон тани бўшашиб, уйқуга майли кучаяди. Ўша вақтда инсон уйида бўлса ёки юмшоқ ўриндиқларда ўтирган бўлса, мудроқ босиб, нафсининг ором истагига енгилиб, кўзларини

оҳиста уйқуга таслим қилганини билмай ҳам қолади. Қарабсизки, яна бир режадаги иш ортга сурилади.

Шунингдек, дабдабали, керагидан ортиқча қулайликларга берилиб ҳаёт кечирish ҳам дангасаликни келтириб чиқарувчи омиллардан саналади. Инсон бой бўлиб, қаерга узатса қўли етадиган даражада бўлса ҳам, ўз юмушларини ўзи бажаришга ҳаракат қилиши афзалдир. Токи ялқовлик балосига гирифтор бўлиб қолмасин. Баъзи бир бадавлат кишиларни биламиз, гарчи бировларни ёллаб ишлатишга қодир бўлсалар ҳам, ўз қўллари билан меҳнат қилишдан роҳатланишади. Машинани ўзлари ҳайдашади, ҳовлиларида меҳнат қилиб туришади, экин-тикинларга қараб, гуллар тагига сув қуйиб, турли овқатлар пишириб, бекорчиликка ўрин қолдиришмайди.

Инсон бойиб, фаровон ҳаётга эришганидан сўнг меҳнатни тарк қилиб қўядиган бўлса, ҳаётнинг маънавий файз-баракасидан, фойдали меҳнат берадиган роҳатлардан маҳрум бўлиб қолади ва гарчи бой, кўпни кўрган бўлса ҳам ундай инсоннинг халқ орасида ҳурмати қолмайди.

Фарзанд тарбияси ва жамият равнақида ҳалол касбнинг тутган ўрни

Инсон ўзидан яхши из қолдириб, дунёдан ўтганидан кейин ҳам яхши амаллари савоби тўхтамасдан етиб турадиган бўлиши учун фарзандларини солиҳ, яхши инсонлар қилиб тарбиялаши керак. Зеро, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) банданинг амаллари ўлганидан кейин ҳам узилмаслиги шартлари орасида "... у (киши)нинг ҳаққига дуо қилувчи солиҳ фарзанд"ни ҳам санаганлар.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб, дедилар:

”إذا مات ابن آدم انقطع عمله إلا من ثلاث : صدقة جارية
أو علم ينتفع به أو ولد صالح يدعو له“

“Одам боласи вафот этса, унинг амаллари тўхтайди, фақат уч нарса бундан мустасно: садакаи жория ёки фойдаланиладиган илм ёхуд ҳаққиға хайрли дуо қилувчи солиҳ фарзанд» (Имом Муслим ва бошқалар).

Агар фарзанд чиройли тарбия билан дину диёнатли қилиб ўстирилса, инсон вафот этганидан кейин ҳам фарзанди орқали ажр-савобларға эға бўлиб туради, фарзандининг қилган ҳар бир яхши иши учун одамлар: “Отасиға раҳмат!”, “Аллоҳ тарбия берган ота-онасидан рози бўлсин!” каби дуолар қилишганида бешак унинг ота-онаси ҳам бу дуолар самарасидан баҳраманд бўлишади. Айниқса, фарзанднинг марҳум ота-онаси учун қилган хайрли дуолари, истиғфорлари, тиловати Қуръонлари баракотидан ота-онанинг гуноҳлари кечирилиб, даражалари юксалади, иншааллоҳ.

Фарзандларнинг солиҳ ва яхши инсон бўлишлари, ота-она тарбиясининг унумли ва фойдали бўлиши учун эса уларға едирилаётган луқманинг ҳалол-пок бўлиши асосий шартдир.

Оилада фарзандлар тарбиясида луқманинг ҳалол ёки ҳаромдан бўлиши жуда муҳим масаладирки, унинг сири тажрибали кишилар кўз ўнгида кундек равшандир. Гарчи фарзандларға едириладиган ҳар қандай луқма уларнинг қорнини тўйдирса ҳам, бироқ унинг яхши ёки ёмон таъсири

аста-секин кўринади. Ризқ ҳалол йўлдан топилган бўлса, фарзандлар тарбияни қабул қилувчи, яхши хулқли, ота-онанинг ҳақларини танийдиган бўлиб улғаядилар. Ҳалол ризқ билан улғайган фарзандлар фавқулодда истеъдод, хотиранинг ўткирлиги ва заковат билан ажралиб турадилар.

Агар фарзандларга едирилган луқма ҳаром, шубҳали йўллар билан топилган бўлса, уларнинг тарбиясига ҳар қанча кўп куч, маблағ сарфланмасин, ҳар қанча катта эътибор берилмасин, бу саъй-ҳаракатлар кутилган натижани бермайди.

Имом Ғаззолий бундай дейди: “Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа букилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади... Болани чақалоқлигиданоқ луқмаси ҳалол она эмизиши лозим, агар луқма ҳаром бўлса, унда барака бўлмайди”.

Улуғлардан бири бундай дейди: “Ким ҳалол луқма еса, ўз-ўзидан Аллоҳга итоат этаверади. Ким ҳаром луқма еса, истасин, хоҳ истамасин, Аллоҳга осий бўлади”.

Ҳикоя қилишларича, валий зотлардан Иброҳим ибн Адҳамнинг отаси бир куни Бухоро шаҳридаги бир боғ ёнидан ўтиб кетаётиб, боғни кесиб ўтувчи бир анҳордан таҳорат олибди. Қараса, анҳордан бир олма оқиб келаётган экан. Уни олиб, ўзича «бунинг ҳеч ёмонлиги йўқ» деб ўйлаб, ебди. Ке-

йин кўнглига васваса тушиб, боғ эгасидан олманинг ҳақини ҳалоллаб олишга қарор қилибди. Боғ эшигини тақиллатибди. Унинг олдига бир жория чиқибди. Жорияга «менга хожангизни чақириб берсангиз», дебди. Жориядан: «Хўжайинимиз аёл киши», деган жавобни эшитиб, ундан «олдига киришим учун менга рухсат олиб беринг» дебди. Жория у айтгандек қилибди. Адҳам аёлга олма воқеасини айтиб берибди. Аёл унга: «Бу боғнинг ярми менга тегишли, ярми эса султонга. Султон ҳозир Балхда. У Бухородан ўн беш кунлик масофа узоқда», деб, ўзининг ҳақиқага рози бўлибди. Адҳам олманинг иккинчи ярмини ҳалоллаш учун Балхга бориб, отлиқлар ўртасида кетаётган султоннинг йўлидан чиқиб, унга масалани аңлатибди. Султон унга эртага келишини буюрибди.

Султоннинг шахзодалардан совчилар келаётган гўзалликда тенги йўқ бир қизи бўлиб, у ҳаммасини рад этиб, ибодатга берилган, солиҳларга кўнгил қўйган, дунёдан юз ўгирган зоҳид бир кишига турмушга чиқишни истар экан. Подшоҳ саройига қайтиб келгач, қизига зоҳид Адҳам ҳақида гапириб берибди ва унга: «Мен бу йигитдан парҳезкорроқ одамни кўрмаганман, Бухородан Балхга яримта олма учун келибди!» дебди. Шунда қизи унга турмушга чиқишга рағбат билдирибди. Эртасига Адҳам олдига келгач, унга: «То менинг қизимга уйланмагунингча, ҳақимни ҳалол қилмайман», дебди. Адҳам бунга узоқ қаршилиқ ва норозиликдан сўнг ноилож кўнибди ва ўша қизга уйланибди. Келиннинг олдига кирганда уни безанган, уйни ҳам турли зийнатлар билан безатилганини кўриб, бир бурчакка бориб, тонггача намозга машғул бўлибди. Бу ҳол етти кун давом этибди. Султон эса ҳали ўз ҳақини ҳалол қилмаган экан. Унга ҳалол

қилиш учун одам юбориб: «То қизим билан бирга бўлмагунингча ҳалол қилмайман», деб айтибди. Тун бўлгач, Адҳам қизга қўшилибди, кейин ғусл қилиб, намозга туриб, бир марта қаттиқ қичқирган ҳолда, сажда қилибди ва жойнамози устида жонсиз ҳолда топилибди. Аёл ундан ҳомиладор бўлиб, Иброҳим ибн Адҳам дунёга келибди. Иброҳим ибн Адҳам кейинчалик машҳур зоҳидлардан бири бўлиб, ҳозирга қадар эҳтиром билан тилга олинadиган зотга айланди. Бунда эса, шубҳасиз отасининг парҳезкорлиги, луқманинг ҳалоллигига берган эътибори сабаб бўлган. Худди шунга ўхшаш воқеа мазҳаббошимиз Имом Абу Ҳанифанинг (рахматуллоҳи алайҳ) оталари билан ҳам содир бўлгани ривоят қилинади.

Демак, жамиятга фойдали, дунё ва охират саодатига эришадиган баркамол фарзандларнинг тарбияси ҳалол луқма билан чамбарчас боғлиқ экан.

Луқманинг ҳалол бўлиши, аввало, шахс тарбияси, оила муҳитининг мусаффо бўлиши, қолаверса, бутун бошли жамият равнақи, мамлакат ободлиги ҳамда давлат барқарорлигидек буюк мақсадларга олиб борувчи олижаноб фазилат экан. Чунки юқорида зикр этилганидек, маънавий тарбия, ахлоқий камолот ҳалол луқмасиз асло ҳосил бўлмайди.

“Қуш уясида кўрганини қилади” дейдилар. Парҳезкор, ҳалол луқмали хонадонда тарбияланган фарзанд, шубҳасиз оиладан ташқарида ҳам, ишда, ўқишда, бошқалар билан муомалада ўзининг ҳалоллик, инсоф ва диёнат эгаси эканини намоиш қилади. Бундай фарзандлари бор жамият эса ҳартомонлама тараққий этади, маънан ва моддийан бой бўлади.

Муҳтарам Юртбошимиз ҳам “Баркамол авлод орзуси” асарида комил инсонни вояга етказиш,

жамиятда ҳалол-пок шахсларни шакллантириш ҳақида сўз юритиб, бундай деганлар: «Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди, ҳаммасининг замирида тарбия ётади». Тарбиянинг яхши таъсири эса, шубҳасиз ҳалол касб ва покиза луқма билан бўлади.

Энг афзал касблар

Кишининг ризқ топадиган касбу ҳунари, иши ва хизматининг тури қанақалигидан қатъи назар, ҳалол бўлиши, юритаётган касбу корида ҳалоллик ва инсофни ўзига шиор қилиб олиши муҳим санолади. Касблар кўп, аммо улар афзаллиги, баракаси мўллиги ва ҳалоллик даражасининг нисбати нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шу жиҳатлардан касбларнинг афзали қайси, деган саволга уламолар турлича жавоб беришган. Имом Мовардий айтади: “Касбларнинг асл устунлари зироат, тижорат ва саноатдир”. Мовардийга кўра, касбу корларнинг асос илдизлари учта нарсага бориб тақалади: зироат, тижорат ва саноат. Зироат деган асосга деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва ҳоказолар киради. Савдо-сотик, бозоргонлик, тадбиркорлик ва ҳоказоларнинг асоси тижоратдир. Саноатга эса, ишлаб чиқаришнинг барча турлари киради. Шунингдек, нарса ясаб сотадиган ҳунармандлар, кулоллар ҳам саноатчилар тоифасига мансубдирлар. Масалан, чинни ва сопол идишлар ясовчилар, темирдан панжара ва дарвоза ясайдиганлар, чилангарлар, кийим тикиб ёки тўкиб сотадиганлар ҳаммаси саноатчилардир. Хуллас, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган ҳамма ишлар саноат туркумига киради.

Шундай қилиб, касбларнинг асоси учта нарсага бориб тақалар экан: зироат, тижорат ва саноат. Ушбу касб-ҳунарларнинг энг афзали ва покизари қайси бири, деган саволга ҳам ҳар хил жавоблар бериб келинган. Ҳанафий мазҳабида кўра, аввал тижорат, кейин зироат, ундан кейин эса саноат туради. Набий (алайҳиссалом) тижоратга қизиқтириб:

“التَّاجِرُ الصَّدُوقُ مَعَ الْكِرَامِ الْبَرَّةِ”

“Ростгўй ва омонатдор тожирнинг даражаси (қиёматда) “киромун бараро” (ваҳийни ёзувчи олижаноб, ҳурматланган, мукаррам қилинган, солиҳ фаришталар) билан тенг бўлади”, дея марҳамат қилганлар (“Мажмаъул анҳур фий шарҳи мултақол абҳур”). Яна бир ҳадисларида: “Албатта, Аллоҳ ростгўй тожирни яхши кўради”, дейилган.

Ундан кейинги ўринда деҳқончилик ва зироат туради. Аввал айтилганидек, бу иш билан биринчи бўлиб шуғулланган инсон Одам (алайҳиссалом) бўладилар. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом):

“الزَّاعِ يَتَجَرُّ رَبَّهُ”

“Зироаткор (деҳқон) ўз Раббиси билан тижорат қилувчи инсондир²”, деганлар. Чунки ерга уруғ қадаб, ҳосил олувчи киши фақат Аллоҳнинг қудрати ва берган имкони билангина ҳосилга эга бўлади. Бу соф таваккулдан иборат бир иш. Айниқса, қадим замонларда шундай бўлган. Ҳосилга замин бўлувчи, ўзида тутиб, ўстирувчи ер ҳам Аллоҳники, уни ёмғир билан суғорувчи ҳам Аллоҳ. Ер билан сувга шундай хусусиятларни берган ҳам Унинг

² Сарахсий: “ал-Мабсут”, Марғиноний: “ал-Ҳидоя”, Зайлаъий: “Насбу-р-роя”, “Шарҳу сияри кабир” каби китобларда ривоят қилинган. Зайлаъийга кўра мазкур ҳадис исноди “ўта ғариб”.

Ўзи. Шу боис ҳам зироатчи Аллоҳ билан тижорат қилади, дейилади ҳадисда, валлоҳу аълам. Мазкур ҳадисни далил қилиб баъзи уламолар зироатни ҳам тижорат қаторига киритганлар. Зеро, ҳадисда зироат тижорат деб аталган³. Ундан ташқари, зироатчи ҳам худди тижоратчи каби ўз иши орқали фойда қозонишни қасд қилади.

Яна бир муборак ҳадисда:

“اطلبوا الرزق تحت خبايا الأرض”

“Ризқни Ер остидан излангиз”, деб буюрилган.

Кейинги ўринда саноат туради. Саноат бу ишлаб чиқаришнинг барча турини қамраб олиши ва уста-хунармандлар ҳам, тикувчию тўқувчилар ҳам, касаначиларнинг иши ҳам “саноат” бобига кириши айтилди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саноат ва ҳунармандликка тарғиб қилиб:

“الحرفة أمان من الفقر”

“Ҳунар қашшоқликдан нажотдир”, дея марҳамат қилганлар.

Уламолар орасида афзалият ва баракаси мўллиги жиҳатидан зироатни тижоратдан олдинга қўядиганлари ҳам бор. Зеро, зироатнинг фойдаси умумий бўлиб, нафи ғоят кўпчиликка етади. Чунончи, бир ҳадиси шарифда бундай дейилади:

“مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَغْرِسُ غَرْسًا أَوْ يَزْرَعُ زَرْعًا فَيَأْكُلُ مِنْهُ طَيْرٌ أَوْ
إِنْسَانٌ إِلَّا كَانَ لَهُ بِهِ صَدَقَةٌ”

“Мусулмон киши экин экса ёки дарахт ўтқазса-ю, ундан бирор инсон, жонивор ёки қуш еса

³ Қаралсин: “Шарҳу сияри кабир”.

ҳам, ўша одамга (экан одамга) савоб ёзилади”
(Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

عَنْ رِفَاعَةَ بْنِ رَافِعٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ { أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ سُئِلَ : أَيُّ الْكَسْبِ أَطْيَبُ؟ قَالَ: عَمَلُ الرَّجُلِ بِيَدِهِ ،
وَكُلُّ بَيْعٍ مَبْرُورٍ { رَوَاهُ الْبَزَّازُ وَصَحَّحَهُ الْحَاكِمُ

Рифоъа ибн Рофеъдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: “Пайғамбаримиздан (соллаллоху алайҳи ва саллам) “Қайси касб энг ҳалол?” деб сўралди”. У киши (жавоб бериб) дедилар: “Кишининг ўз қўли (меҳнати) билан ишлаши ҳамда мабрур савдо (касбларнинг энг яхшиси ва ҳалолидир)” (Баззор ривояти, Ҳоким ушбу ҳадисни саҳиҳ санаган). Ушбу ҳадисда энг ҳалол ва энг ёқимли касб инсоннинг ўз меҳнати билан топган ризқи ҳамда мабрур савдо экани айтилди. Мабрур савдо деб ёлгон қасамдан, умуман молни ўтказиш учун қилинадиган қасамхўрликдан, турли хил алдамқалдам, ҳийлалардан холи бўлган холис савдога айтилади. Ушбу ҳадисда мабрур савдо ҳамда қўл меҳнати билан топиладиган ризқ касбларнинг афзали экани очик баён қилинмоқда. “Қўл меҳнати” деганда кўпроқ саноат, ҳунармандлик ва касаначилик каби ишлар тушунилади. “Умдатул қорий” китоби муаллифи аллома Бадриддин Айний айтишича, кўп ҳадисларда қўл меҳнати билан амалга ошириладиган касб касбларнинг афзали экани таъкидланар экан.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, касбларнинг асллари тижорат, зироат ва саноатдир. Кўплаб касблар мана шу зикр қилинган уч хил умумий касб остига дохил бўлади. Мазкур касбларнинг қай бири афзал экани бораси-

да уламолар ўртасида турлича фикр ва қарашлар бор. Баъзилар тижоратни афзал касб десалар, бошқалар зироат афзал дейишади. Яна бир тоифа эса қўл меҳнати билан қилинадиган касб, яъни ҳунармандлик ва саноатни афзал санайдилар. Баъзи ҳадисларда савдо билан қўл меҳнати касбларнинг энг яхшиси экани айтилади.

Зикр қилинган ушбу баҳслардан қайсидир бир касб яхши-ю, қолгани ёмон деган маъно тушунилмаслиги керак, асло. Мазкур ҳадислар ва уламолар сўзлари фақатгина фазилат жиҳатидан касбларнинг қайси бири устунроқ эканини баён қилади, холос. Йўқса, жумҳур уламолар, наздида ҳалол касбларнинг барчаси ҳам мубоҳликда тенгдир. Ким қайси касбнинг уддасидан чиқса, ана ўша билан шуғулланиши мақсадга мувофиқдир.

Касб-кор, тижорат ва савдо-сотиқ одоблари

Касб-кор, ҳунармандлик, тадбиркорлик ва тижорат билан шуғулланишнинг ўзига хос одоблари, фарзу вожиблари мавжуддир. Ушбу одобларга риоя қилинганида кишининг ўз касби орқали қозондиган моли турли шубҳалардан, гуноҳлардан холи бўлади, иншааллоҳ. Ҳатто, холис ният билан ўша одоблар доирасида мол-маблағ топилганида, бу ҳаракат ибодатга айланиб, инсон бунинг учун катта ажр-савобларга ҳам эга бўлади. Зеро, савдо нодуруст шаклда, шубҳа ва ҳаром аралашган ҳолатда амалга оширилса, гуноҳ бўлгани каби дуруст шаклда, ҳалолликка риоя қилинган ҳолда юритилган касб ва савдо ибодат ва савобга айланади. Шу боис ҳам азалдан уламолар тижорат ва бошқа касбу корларнинг одоблари хусусида кўплаб асарлар битишган. Жумладан, мазкур мавзуга бағишлаб ватандо-

шимиз шамсул аимма Сарахсий “ал-Иктисоб фир ризқил-мустатоб”, Имом Муҳаммад Шайбоний “ал-Касб”, Абу Бакр Халлол “ат-Тижора” каби илмий асарлар ёзиб қолдиришган. Бундан ташқари фикҳий масалалар мукаммал равишда тартибланган барча манбаларнинг ярмида ибодатлар яъни Аллоҳ билан банда ўртасидаги нарсалар баён қилинган бўлса, қолган ярми инсонлар ўртасидаги муомалотларга бағишланган. Шундай экан, ҳар қандай касб эгаси ўз касбига доир одобларни ўрганиб қўймоғи мақсадга мувофиқдир. Қуйида мазкур одоблардан айримлари қисқача баён этилади:

Холис ният. Ҳар қандай касб, тижорат, тадбиркорлик ва ҳоказо билан шуғулланувчи шахс энг аввало ниятини холис қилиб олиши зарур. Масалан, қилинаётган саъй-ҳаракат заминида маишати учун кифоя қиларлик даражада ризқ топиш орқали ўзи ва аҳли оиласини одамларга юк бўлиш, бировларнинг қўлига қарам бўлиб қолиш, бошқаларнинг молига кўз олайтириб, тамагирлик қилиш каби ҳолатлардан ҳимоя остига олиш, иффатини сақлаш, ҳалол ризқ топиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш каби эзгу ниятлар бўлиши лозим. Ана шундай қилса, иншааллоҳ инсоннинг ризқ талабидаги ҳар бир ҳаракати ибодатга айланади. Зеро, ҳадиси шарифда айтилганидек амаллар ниятларга кўра эътиборлидир. Абу Хурайрадан (розияллоху анҳу) ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий (алайҳиссалом) бундай марҳамат қиладилар:

”الساعي على الأرملة والمسكين، كالمجاهد في سبيل الله،
وكالذي يصوم النهار ويقوم الليل“

“Бева ва мискинларни боқиш йўлида саъй-ҳаракат қилувчи киши худди Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилувчи кишидек ва кундузи рўзадор кечаси эса ибодатда қоим бўлган кишидек (ажр-савобга эга бўлади)” (Имом Бухорий, “ал-Адаб ал-муфрад”, Имом Муслим ва Ибн Можа).

Касби ва тижорати борасида керакли билим, фикҳий тушунчаларга эга бўлиш. Инсон ўз савдо-сотиғида ҳаромга тушиб қолмаслиги, бировнинг ҳақини еб қўймаслиги ёхуд молига шубҳа аралашиб қолмаслиги ҳамда дуруст савдо билан нодуруст савдони ажрата билиши учун тижоратга доир умумий аҳкомларни билиб олиши мустаҳаб саналади. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) даврларида тобеинларнинг улуғлари бозорларни айланишар ва бозордаги сотувчилардан тижорат ва савдо-сотиққа доир қийин-қийин масалаларни сўрашарди. Жавоб бера олганлари қоларди, жавоб бера олмаганлари эса то ўрганиб келмагунча бозордан четлатиларди. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) “Бозорларимизда фақат динда фақиҳ бўлган кимсаларгина савдо қилишсин!” деб жар солдирар эдилар.

Ризқ талабида ҳаддидан ошмаслик. Ризқни талаб қилишда ҳаддидан ошмаслик деганда ҳаётда фақат мол-дунё топишга, пулини кўпайтиришга муккасидан кетмаслик, ўзини аямай ўтга-чўққа уриб, ҳамма вақтини фақат шу ишга бағиш-ламаслик, балки мўътадил, ўртача йўл тутиш, пул топаман деб ибодатдан, хайрли ишлардан, илм-маърифатдан қолиб кетмаслик, мол-дунё ортидан қувиб, болалар тарбиясини эътиборсиз ташлаб қўймаслик каби муҳим масалалар тушунилади. Бу ҳақда Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шарифда бундай дейилган:

”يا أيها الناس اتقوا الله وأجملوا في الطلب فإن نفسا لن تموت حتى تستوفي رزقها وإن أبطأ عنها فاتقوا الله وأجملوا في الطلب
خذوا ما حل ودعوا ما حرم“

“Эй одамлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва ризқингизни гўзал равишда талаб қилингиз. Зеро, бирор-бир жон – гарчи кечикиб бўлса ҳам – ўз ризқини мукаммал суратда олмагунча ўлмас. Шундай экан, Аллоҳдан қўрқингиз ва ризқ талаб қилишда гўзал йўл тутингиз. Ҳалолини олинг-у, ҳаром бўлган нарсаларни тарк қилинг” (Ибн Можа ва Ҳоким). Агар бирон сабабга кўра тақдир қилинган ризқ келиши кечикса, шошилманг, ҳаром йўллар билан унга тезроқ эришишга ошиқманг. Балки Аллоҳга тақво қилинг, ризқни гўзал суратда талаб қилинг. Демак, мўмин банда қийинчилик ва оғир кунларда, ризқида танглик юз берган вақтларда ҳам ҳалол йўл билан касб-кор қилишни унутмаслиги ва Аллоҳга доим комил тақво қилиши керак экан. Яна бир ривоятда бундай сўзлар ворид бўлган:

”فليكن طلب المعيشة فوق كسب المضيع و دون طلب
الحريص الراضي بدينه المطمئن اليها“

“Тирикчилик талаби зое қилувчи (бепарво, дангаса) кишининг ҳаракатидан юқори ва (топаётган) молу дунёсига хурсанд бўлиб, молига суяниб қолган ҳирсли, мол-дунёга ўч бўлган кишининг ҳаракатидан пастроқ бўлсин” (“ал-Кофий”; “ат-Таҳзиб”).

Савдо-сотикда муҳсин, илтифотли бўлиш, харидорга бағрикенглик кўрсатиш, масалан, со-

таётган нарсасини бир оз ортиғи билан бериш, харидорга ёрдам сифатида молнинг нарҳини келиштириш ва ҳоказо ишлар мустаҳаб ва савобли саналади. Ҳадисда:

“رحم الله رجلاً سمحاً إذا باع وإذا اشترى وإذا اقتضى”

“Сотганида, харид қилганида ва (қарз ва ҳоказони) талаб қилганида олижаноб бўлган кишига Аллоҳнинг марҳамати бўлсин!” (*Имом Бухорий ва Ибн Можа ривояти*), дея қўли очиқ, саховатли ва кенгбағир киши ҳаққига дуо қилинган. Шунингдек, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сизлардан аввал яшаб ўтган ва сотганида, харид қилганида ҳамда талаб қилганида юмшоқ, олижаноб бўлган кишини Аллоҳ мағфират қилган” (*Имом Термизий ривояти*), дея хабар берганлар. Бундай илтифот турли кўринишларда бўлиши мумкин, масалан, сотаётган нарсасининг нарҳини озроқ тушириш, агар кимгадир насиёга нарса берган бўлса-ю, тўлаш вақти кирган бўлса ҳам, қаттиқ талаб қилмасдан, бир оз фурсат бериш каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Бу ишлар динимизда мандуб ва марғуб саналган ишлар сирасига киради. Ҳадиси шарифларда зикр қилинишича, бурунги қавмлардан бирида нафсига кўп зулм қилган, гуноҳкор бир банда бор эди. У вафот этиб, ҳисоб-китоб қилинганида биронта ҳам савоби топилмади. Ундан: «Бирор эзгу амал қилганмисан?» дея сўралди. У: “Ҳеч қандай яхши амалим йўқ, лекин одамларга кўп қарз бериб турардим. Ва йигитларимга (ходимларимга) “Имконияти бор одамга нисбатан мурувватли ва бағрикенг бўлинглар, қийналиб қолган одамга эса муҳлат беринглар (бир ривоятда “қийналиб қолган одамнинг қарзини кечиб юборинглар)”, дер эдим,

деди. Шунда Аллоҳ таоло: “Биз бундай (олижаноблик қилишга сендан кўра) ҳақлироқмиз”, деди ва унинг гуноҳларини кечиб, мағфират қилди (*Имом Муслим ривояти*). Имом Ғаззолий айтганларидек, одамларни, айниқса, таниш одамларни чув туширмаслик ҳам олижанобликка киради.

Ростгўйлик ва омонатдорлик. Бу ризққа барака киришининг, турмуш обод ва фаровон бўлишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қилдилар: “Олди-берди қилувчи икки киши (яъни сотувчи ва харидор) то бир-бирларидан ажралмагунларича (молни олиш ёки сотиш борасида) ихтиёрга эгадирлар. Агар улар рост сўзлаб, (молнинг ҳолатини чиройли) баён қилсалар, савдоларига барака берилади. Бордию, бир-бирларини алдаб, (молнинг айбини) беркитсалар, савдоларининг баракаси ўчирилади” (*Саҳиҳайн*). Демак, тадбиркор, савдогар киши ростгўйликни ўзининг шиорига айлантириб олиши керак экан. Ана шунда унинг ризқи ва касб қилиб топган нарсаларига барака ато қилинади. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай марҳамат қилинади:

“التاجر الصدوق الأمين مع النبيين والصديقين والشهداء”

“Ростгўй, омонатдор тижоратчи (жаннатда) пайғамбарлар, сиддиқлар ва шуҳадолар билан бирга бўлади” (*Имом Термизий ривояти*). Бу ҳадиснинг маъноси барча олди-сотди билан шуғулланувчилар, тадбиркорлар, касб-хунар эгаларини қамраб олади. Дарҳақиқат, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва тижорат аҳли кишилар билан энг кўп муомалада бўладиган тоифа ҳисобланадилар. Улар ўз муомала-

ларида ёлғон сўзлаш, нотўғри гувоҳлик беришдан ўзларини сақлашлари керак. Зеро, ёлғон гапириш айни гуноҳи кабирадир.

Сотувчи молини мақтаганида, харидорнинг эса уни ёмонлаши, сўнг сотувчи молини мақтаб, қасам ичиши макруҳ саналади. Агар унинг қасами рост бўлмаса, бу иш ҳаромга айланади. Тожир гарчи сўзи рост бўлса ҳам, қасам ичишдан тийилиши афзал. Негаки, қасам ичишга одатланиб қолиш аста-секин ёлғондан қасам ичишга ҳам олиб боради. Боз устига, Аллоҳ таолонинг муқаддас номини молни ўтказиш учун бозор-ўчарларда қасамларга нишон қилишдан юқори тутишимиз керак. Баъзилар ўз молларини ҳаддан ташқари мақтаб, қасамхўрлик қилишга ўтадилар, молларини тезроқ сотиш учун ҳатто ёлғондан қасам ҳам ичадилар. Бу ишлар эҳтимол зоҳирдан ўша молнинг бозорини чаққон қилаётгандек кўринса ҳам, аммо баракаси кўтарилишига олиб келади. Устига устак, киши гуноҳ ҳам орттириб олади. Ҳадиси шарифда:

“الحلف منفقة للسلعة ممحقة للبركة”

“Қасам молнинг бозорини чаққон қилади, аммо баракасини кеткизади”, дейилган (*Имом Бухорий, Муслим ва Насоий ривоятлари*).

Тожир савдода фирибгарликнинг, алдовнинг ҳар қандай кўринишидан узоқ бўлиши зарур. Бировга нарса сотаётганида алдам-қалдам аралаштирмасдан, инсоф ва ростгўйлик билан савдо қилиши лозим. Зеро, фирибгарлик, қаллоблик одамлар ўртасига низо соладиган, соғлом жамият илдизига болта урадиган балодир. Набий (алайҳиссалом) бундай иллатдан қайтариб:

“من غش فليس منا”

“Ким фирибгарлик қилса, бас, у биз (умматим) дан эмас!” деганлар (*Имом Муслим, Абу Довуд, Имом Термизий, Ибн Можа ривояти*). Мазкур ҳадиснинг айтилишига қуйидаги воқеа сабаб бўлади. Бир куни Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бозорда бир уюм емиш (“емиш” деганда масалан, хурмо, майиз, буғдой каби нарсалар ирода қилинган бўлиши мумкин) олдидан ўтиб қоладилар ва ўша егулик уюмига қўлларини тикадилар. Лекин бармоқлари хўл бўлиб чиқади ва егулик эгасига қарата: “Бу нимаси бўлди, эй емиш соҳиби?!” дея, нима учун уюмнинг усти куп-қуруғу, ичи эса хўллигининг сабабини суриштирдилар. Эгаси “Ё Расулуллоҳ, ёмғир тегибди”, дея ўзини оқлашга уринди. Шунда у зот: “У ҳолда, (ўша хўлини) энг тепасига қўймайсанми, бошқаларга ҳам кўринар эди?!” деб савдогарга танбеҳ бердилар. Сўнг: “Ким фирибгарлик қилса, бас, у биздан эмас!” деб огоҳлантирдилар.

Фикрини ўзгартириб, молни қайтариб олиб келган одамга мурувват кўрсатиб, молни қайтариб олиш. Бу иш фикрда “иқолатун нодим” (“афсусланган одамни байдан озод қилиш”) ёки “иқола қилиш” деб аталади. Яъни амалга оширилган ёки келишиб қўйилган байни байлашувчи томонлардан бирининг илтимоси билан бекор қилишдир. “Иқола” луғатда кечириш маъносига ҳам далолат қилади. Бу икки томонлама, яъни ҳам харидор, ҳам сотувчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Гоҳида инсон маълум нарса устида савдо қилиб бўлиб, кейин ундан ҳам зарурроқ ишлари борлиги эсига келиб қолиши ва қилган савдосини бекор қилишни исташи мумкин. Ёки ҳатто

сотиб олиб, уйига олиб кетган нарсани ҳам шундай сабаблар билан қайтариб келиши ҳолатлари учраб туради. Шунда сотувчи жанжал-тўполонсиз, бағрикенглик билан молни олиб, тўланган пулни қайтарса, катта савоб иш қилган ҳисобланади. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Набий (алайҳиссалом) марҳамат қилиб бундай деганлар:

“من أقال مسلما بيعته أقاله الله عشرته يوم القيامة”

“Ким мусулмон кишининг савдосини иқола қилса, Аллоҳ қиёмат кунида унинг ҳам хатосини иқола қилади (кечиради)” (Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким. Саҳиҳ ҳадис).

Савдолашиш. Муштарий молга бозор нархидан ортиқ пул бериб, чув тушиб қолишдан сақланиши учун молнинг нархи устида савдолашиши ҳам мустаҳабдир. Аммо қурбонликка жонивор, кафан учун мато олаётганида ва ҳаж масрафлари учун пул тўлаётганида қаттиқ туриб савдолашиш мустаҳаб ҳисобланмайди.

Молнинг айбини яширмаслик. Танишларимиздан бири сўзлаб берди. У киши поездда кўп юрар экан. Поезд бир бекатга борганида, ҳар галгидек асал сотиб юрадиган бир йигит вагонга чиқибди. У йигит вагонларни айланиб, асал сотиб келгач, ўша танишимизнинг олдига келиб ўтирибди-да, салом-алиқдан сўнг, тамадди қила бошлабди. У ёқ-бу ёқдан суҳбат бошланибди. Гап айланиб, асал ҳақида сўз очилибди. Маълум бўлишича, асал сотувчи йигит бир идишдагини тоза асал деб, қолганларини тоза эмас, деб сотиб юраркан. Танишимиз мўминлик фаросати билан йигитнинг бир камчилигини сезиб қолибди ва йигитнинг ўзидан

сўраб, бу масалага аниқлик киритиб олибди: йигитнинг тоза асал деб сотаётгани асал экан-у, тоза эмас деб сотаётгани қиём экан. Уларнинг суҳбатини ҳеч ким эшитмаётганини билгани учун танишимиз очиқ танбеҳ берибди: “Ука, асал бўлмаган нарсани асал деб сотишингиздан ўзингизнинг кўнглингиз розими?” Йигит жавобан: “Ака, шундай қилишга мажбур бўляпман, чунки савдо яхши бўлмаяпти. Қиёмлигини билишса, одамлар умуман олишмайди”. У киши давом этиб: “Укажон, мен сизни бирон кишининг олдида уялтириш учун эмас, Аллоҳ учун айтяпман, “Мўмин мўминнинг кўзгуси”, деган ҳадиси шариф борлигини биласиз. Сиз Аллоҳга таваккул қилинг-да, ё қиёмни умуман сотманг, ё қиёмлигини айтиб сотинг. Сизга тўғрилигингиз учун харидорни Меҳрибон Худои таолонинг Ўзи жўнатади. Ҳозиргача қиммат асал оз сотилаётган бўлса, ундан кейин кўрасиз қанча сотилишини. Шу вақтгача одамларни алдаб, қиёмни асал деб сотганингиз учун астойдил тавба қилиш эсингиздан чиқмасин”. Йигит: “Хўп, айтганингиздек қиламан”, дебди.

Кўпинча, тўй қиладиган одамлар совға-салом учун тарқатиб юборишга арзон ва қулай кийим-кечаклар излаб қолишади, қидириб-қидириб, шунчалик арзон кўйлақлар топишадики, ўйлаб ҳам ўтиришмасдан, бемалол ўнлаб, балки яна ҳам кўпроқ сотиб олишади. Сотаетган “ишбилармон”лар харидорларнинг кўйлақларни очиб кўришларига йўл қўйишмайди. Агар очиб кўришни хоҳлашса, пулини аввалдан тўлашларини ва сотиб олингач, қайтариб бермасликларини шарт қилиб қўйишади. Харидор бу ерда бир гап борлигини билса-да кўйлақларни сотиб олади ва уйга боргач, очиб ҳам кўрмайди. Тўй куни бу совғалар тарқатилади. Ҳадя теккан киши

уйига бориб, очиб кўргач, кимдан хафа бўлишни билмай қолади. Чунки кўйлак на бирор кишининг қоматига тўғри келади, на кийишга, на бирон кишига беришга ярайди, матоси ҳам “ҳалигидақа”. Бу катта қаллоблик кимдан чиққанини билмай, тушунолмай хуноб бўлади.

Бундай ишлардан на ишлаб чиқарувчи, на савдогар, на сотиб олувчи барака топмаслиги аниқ. Чунки барака Аллоҳдан, Аллоҳни эса алдаб бўлмайди. Гап савдо ҳақида кетаётгани учун бу можароларда кўпроқ савдогарни айблаш мумкин. Чунки у шунақа каззоб ишлаб чиқарувчининг маҳсулотларини нафақат сотиб олмаслиги, балки уни инсофга чақириши керак. Чунки бундай қаллоблик маҳсулотларини сотиб олаётганлар биринчи бўлиб сотувчидан норози бўлишади. Ва очиб, киймоқчи бўлганлар совға қилганлардан хафа бўлишади. Ноилож қўл силтаб қўя қолишади. Агар савдогар яроқсиз товар ишлаб чиқарувчига танбеҳ берса ва сотиб олмаса, уни ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сота олмайди ва “кўзи очилади”.

Ҳар хил маиший техника, машина, мотоцикл ва асбоб-ускуналар савдоси билан шуғулланадиганлар ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин.

Бозорларда юрганда Аллоҳни кўп ёд қилиш, ундан хайру барака сўраб дуо қилиш ва бозорга кирганида ўқиладиган маъсур дуоларни ўқиш мустаҳабдир.

عن عمر بن الخطاب - رضي الله عنه - أن رسول الله - صلى الله عليه وسلم - قال: - (من دخل السوق فقال: لا إله إلا الله وحده لا شريك له له الملك وله الحمد يحيي ويميت وهو

حي لا يموت بيده الخير و هو على كل شيء قدير كتب الله له
ألف ألف حسنة و محاه عنه ألف ألف سيئة و رفع له ألف ألف
درجة و بنى له بيتاً في الجنة) رواه الترمذي وابن ماجه،

Умар ибн Хаттобдан (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлари ривоят қилинади: “Ким бозорга кириб “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳу-л-мулку ва лаҳу-л-ҳамду, юҳийй ва юмийту ва ҳува ҳаййун лаа ямувту, биядиҳи-л-хойр ва ҳува алаа кулли шайъин қодийр” деса, Аллоҳ унга минг-минг (яъни миллион) ҳасанот ёзади, ундан минг-минг хатони ўчиради ва уни минг-минг даражага кўтаради ва унга жаннатда бир уй бунёд қилади” (Имом Термизий). Шунингдек, бозорда савдо қилувчи киши ёки умуман ҳар қандай касб эгаси ризқ топишда фақат ўзининг амали, усталиги ва маҳоратига эмас, балки, Аллоҳнинг марҳаматига таяниши, Унга таваккул қилиши ва Унинг ризқ ва барака беришига ишониши, шукр қилиши лозим. Зеро, кишининг ризқи ношудлиги сабабли камайиб қолмаганидек, уддабуронлиги туфайли ортиб ҳам кетмайди. Чинакам шукр туфайлигина неъматлар зиёда қилинади.

Бировнинг савдоси устига савдо қилиш ёки бировнинг хариди устига харид қилишнинг ҳаромлиги. Динимиз муҳаббат, бирдамлик ва тинчлик дини бўлиб, жамият вакиллари ўртасига тафриқа ва низо солувчи ҳар қандай носоғлом ҳолатга қарши курашади. Кўпинча, бозорларда қузатиладиган ана шундай носоғлом ва аянчли ҳолатлардан бири савдо устига савдо ва харид устига харид қилиш деб аталади. Харидор расталардан

бирида сотилаётган қайсидир молни ёқтириб, унинг эгаси билан савдолашаётган пайтда ёнидаги дўкандор ўша харидорни ўзига жалб қилиш учун: “Менинг молимни олинг, арзонроққа бераман”, дея ўз биродарининг савдосини бузади. Натижада муштарий ўша арзонроқ баҳога берадиган томонга ўтиб кетади, савдоси бузилган сотувчи юрагида эса нариги сотувчига нисбатан нафрат ва ғазаб олови аланга олади. Ҳатто бу ишлар кўпинча уруш-жанжалга ҳам олиб-келади. Бунақа ҳолатлар кўп учрайди аслида. Кўпинча оддий нон олмоқчи бўлиб, нон сотаётган одамларнинг бири билан энди гаплашишни бошлаганимизда бошқалари югуриб келиб, “Менинг нонимни олинг, меники яхши”, дея ўз маҳсулотларини тиқиштирадилар. Бу ҳам ўта хунук бир ҳолат. Карвон кўп, ризқи бўлак, дейди доно халқимиз. Ҳамманинг ризқини Аллоҳнинг ўзи беради. Шундай экан, ёнимиздаги сотувчиларни, бозор ёки дўконда ўзимизга қўшни бўлган кишиларни ранжитмасдан, уларга зарар бермасдан, иноқликда ишлашимиз лозимдир. Ахир, қўшничилик, биродарлик деган тушунчалар ҳам бор-ку. Илмсизлик туфайли шу каби ҳолатлар ҳозирги кунда жуда ҳам авж олиб кетмоқда. Баъзан кўчада такси тўхтатиб турганимизда, шундай ҳолатлар ҳам рўй берадики, эндигина битта ҳайдовчи билан гаплашишни бошлаганимизда, нари-беридаги бошқа кирачилар ҳам ё бақириб, ё сигнал чалиб, “Ўтиринг, қаёққа кетяпсиз?”, дея ўртага суқилади. Иложи бўлса-ю бировнинг мижозини шартта илиб кетишса. Бундан ҳам баттарроғи, кўчада қўл кўтариб такси тўхтатиб турибсиз, келаётган машиналардан бири сизни кўргач, тезликни тушириб, сиз томонга қараб секинлашиб келяпти, сиз ҳам буни билиб турибсиз.

Шу пайт кутилмаганда умуман тўхтатилмаган бошқа бир машина йўлнинг деярли нариги бетидан машинани шартта сиз томонга буради-да, аввалги машинадан олдин етиб келиб, олдингизда пайдо бўлади ва гаплашиб сизни олиб кетади. Ўзларининг бундай “уддабуронликлари” аслида пасткашлик ва ўзини ҳурмат қилмаслик эканини билмайдилар ҳам. Набий (алайҳиссалом) бундай ҳолатлардан қайтариб: “Сизлардан ҳеч ким ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин!” деганлар. Аҳамият берсак, ҳадисда “бировнинг савдоси устига...” эмас, балки “ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин!..” дея дўст-биродарликка алоҳида урғу берилляпти. Бировнинг савдоси устига савдо қилиб, бировнинг мижозини ўзига чақириб олаётган инсон билсинки, у ўз оға-инисига зулм қилляпти. Ҳолбуки, у ўзига бўлмаса ҳам, ўша биродарига неъмат насиб бўлаётганидан севиниши керак эди. Ахир, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Ўзинг учун яхши кўрган нарсангни бошқа биродарингга ҳам раво кўргин!*”, деганлар. Шундай бўлгач, дўкандор нафақат ёнидаги дўкандорнинг савдосини бузиши, балки, унинг савдоси яхши юришмаётган бўлса, айрим мижозларини юбориб, ёрдам қилиши нур устига нурдир. Энди, шу ҳолатнинг тескараси эса “харид устига харид қилиш” деб аталади. Чунки, харид ҳам савдонинг бир тури ҳисобланади аслида. Бунинг мисоли шундайки, Карим Салимдан 100 минг сўмга қандайдир буюм сотиб оляпти. Шунда бундан хабар топган бошқа киши Салимнинг олдига келиб “ўша нарсангизни менга сотинг, мен 120 минг сўм берман”, дея сотувчининг нариги одам билан қилаётган савдосини буздиреди ва ўзи сотиб олади. Бу иш харидорга нисбатан зулм ва хиёнат ҳисобланади.

Тарозини тўғри қилиш, ўлчовда одил бўлиш. Ислом дини инсонлар ўртасидаги муносабатларда ҳамиша адолат, инсоф, ҳалоллик ҳукмрон бўлишини талаб этади ва мусулмонларни шунга чорлайди. Бу муносабатлар орасида савдо-сотик ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Аллоҳ таоло бандаларини ўзаро савдо-сотик қилишда харидор ҳақиға риоя қилиш, тарози ва ўлчовларда бошқаларга хиёнат қилмасликни буюрган. Жумладан, Исро сурасининг 35-оятида бундай амр этилади:

وَأَوْفُوا الْكَيْلَ إِذَا كِلْتُمْ وَزِنُوا بِالْقِسْطَاسِ الْمُسْتَقِيمِ
ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا

“**(Ўрталарингиздаги олди-берди, савдо-сотикда бирон нарсани) ўлчаган вақтингизда ўлчовни тўла-тўқис қилинглр ва тўғри тарози билан тортинглар! Мана шу энг яхши ва чиройли ечим-ҳукмдир**”.

Қуръони каримнинг бир неча оятларида савдо-сотикдаги ҳалоллик, тарози ва ўлчовлардан уриб қолмаслик мусулмонлар ахлоқининг ажралмас қисми эканига эътибор қаратилади ва харидор ҳақиға хиёнат қилиш оғир гуноҳлардан экани таъкидланади, ўлчовдан уриб қолувчиларга эса жаҳаннам азоби билан таҳдид қилинади. Бу борадаги оятларнинг энг машҳурлари Қуръони каримнинг Мутаффифун сурасида келган:

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ ﴿١﴾ الَّذِينَ إِذَا أَكَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ﴿٢﴾
وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ﴿٣﴾

“ (Савдо-сотикда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой! Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир” (Мутаффифун, 3–1).

Ояти каримадаги «вайл» сўзи ҳолига вой, ҳалокат маъноларини ва дўзах чуқурларидан бирининг номини англатади. Тарозидан, ўлчовдан уриб қолувчилар ҳолига вой бўлсин, дейиляпти. Яъни, улар бу қилмишлари билан ўзларини ҳалок қилишади. Икрима Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ясрибга (Мадинага) келган вақтларида шаҳарликлар ўлчовдан уриб қолишар эди. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди. Шундан кейин улар тўғри ўлчай бошлашди». Ояти каримада тарози ёки ўлчовдан уриб қолувчилар “مطففين” деган сўз билан ифодаланди. Бу сўз “арзимас, ўта ҳақир, паст нарса”ни англатувчи “طائف” (тафиф) сўзидан олинган. Чунки уриб қолувчилар ҳар доим, ҳар битта мижоздан ўта арзимас миқдорни уриб қоладилар. Масалан, 10 метр газлама харид қилмоқчи бўлсангиз, у сизга 9 метру 95 сантиметр беради. Сиз буни ё биласиз, ё билмайсиз, билсангиз ҳам 5 сантиметр учун жанжаллашгингиз келмайди. Ҳаромдан ҳазар қилмайдиган сотувчи эса ўша арзимас, ҳақир миқдорлардан йиғилган умумий миқдорга кўз тикади. Тарозуда ҳам шундай арзимас-арзимас миқдорда кам бериб, килосидан уришади. Шу билан ўша уриб қолувчи савдогар аслида ўзини пастга ураётганини, ўз ғурури ва виждонини арзимас, ҳақир нарсага алмаштираётганини англамайди. Айнан шу нарса ояти каримада “мутаффифлар”га

яъни арзимас нарсаларни уриб қолувчи савдогарларга вайл бўлсин дея ифодаланишида ҳам олам-олам маъно яширинган аслида. Шу бир сўзнинг ўзида улкан тарбиявий ибрат ва насиҳатлар мужассам бўлган. Уриб қолинадиган нарса арзимас, кичик миқдорда бўлса, уриб қолиш асло мумкин эмас. Кишилар ҳақиқага хиёнат қилишнинг катта-кичиги бўлмайди. Ояти каримада айнан арзимас нарсани уриб қолувчилар тилга олиниши воқелик ҳукмига биноан айтилган. Яъни, одатда тарози ва ўлчовдан уриб қолувчилар билдирмасдан арзимас-арзимас миқдорда уриб қолишади. Бу хари-дорга унча катта зарар бермаса-да, аммо жамиятдаги мазкур ҳолатнинг ўзи кишиларнинг маънавий жиҳатдан ўта носоғлом, тубан бир аҳволга тушиб қолганларидан далолат беради. Шу боис жамият аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат туйғулари заволят топади. Ҳолбуки, фаришталар таъзим қилган инсон зоти ўз нафсини қадрлаши, бундай пасткаш ишлардан ўзини юқори тутиши авлороқ эди. Тарозидан уриб қолувчи шахс ҳеч замонда бири-икки бўлиб, бадавлат бўлиб кетмаган. Бундайларнинг косаси оқарганини ҳеч қайсимиз кўрмаганмиз. Аввал қандай яшаган бўлсалар, ҳозир ҳам шундай учма-уч қилиб яшашяпти. Жазо жинойатнинг жинсидан берилади деганларидек, бойиб кетиш орзусида бундай қабоҳатни ўзига касб қилган кимсаларнинг рўзгорларидан Аллоҳ баракани ҳам олиб қўяди. Ўзининг самовий барака хазиналари эшикларини бундай хоин одамлар юзига ёпиб қўяди. Агар ҳалоллик билан яшасалар эди, бола-чақаларига кам бўлса ҳам ҳалолидан едирсалар эди, шу вақтгача Аллоҳ таоло бошқа томондан Ўзининг баракот эшикларини очиб қўйган ва ишлари юришиб, ризқлари кенгайиб кетган

бўларди. Аммо начора, қачонки банда ўзи учун, ризқи учун ҳалол эшиклар турганида, ҳаром эшикни очар экан, ҳам баракадан мосуво бўлади, ҳам гуноҳ орттиради. Бундай ҳолатлардан барчамизни Аллоҳнинг Ўзи асрасин! Барчамизни ҳалоллик сари бошласин! Шу ўринда улуғ саҳобий ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) билан бўлиб ўтган ва сўзимизга бевосита дахлдор бўлган бир воқеани эсга олиш фойдадан холи бўлмайди. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) бир куни масжидга кириб кетаётсалар масжид эшиги олдида бир бола турарди. Ҳазрат Али болага отларининг юганини бериб, намоз ўқиб чиққунларигача ушлаб туришини сўрадилар. Бола ҳўп бўлади, дедию, саҳобий масжидга кириб кетишлари билан, бозорга йўл олди ва ўша ерда бир дирҳамга ҳам етмайдиган арзимаган баҳога юганни сотиб юборди. Али (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу) намоз ўқиб чиқсалар, бола йўқ. Тушундиларки, бола омонатга хиёнат қилган. У киши дарҳол бозорга бордилар. Айланиб юрсалар, худди ўзларига тегишли ўша юган бир дирҳамга сотилаётган эди. Индамасдан уни сотиб олдилар. Кейин шу воқеани дўстларига айтиб бериб: “Мен намоздан чиққандан кейин ҳалиги болага омонатимни ушлаб тургани учун бир дирҳам бермоқчи эдим. Аммо у бу пулни ҳалолдан эмас, ҳаромдан топишни ихтиёр қилди”, дедилар. Бу сўзларда чуқур маъно ва ҳикмат яширинган. Инсон ҳалол бўлса, ўйламаган томонидан ризқига барака киради. Аммо ҳаром йўл билан пул топишга уринса, ҳам ризқига ҳаром аралашади, ҳам гуноҳ орттиради... Ундан ташқари, қаерда тарози ва ўлчовдан уриб қолиш кенг кўламда илдиз отган бўлса, ўша ерга турли балолар ёғиллади, ёғингарчиликлар ҳам камайиб, қурғоқчилик, озуқа танқислиги вужудга

келади. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Агар бир қавм аҳдни бузсалар, Аллоҳ уларнинг устидан душманларини ғолиб қилиб қўяди. Агар улар ўлчовдан уриб қолсалар, ўсимликлардан ман қилинадилар ва қурғоқчиликка гирифтор бўладилар” (Ибн Мардавайҳ). Демак, савдода ўлчов ва тарозидан уриб қолиш нафақат маънавий, балки моддий зарарлар ҳам келтириб чиқарар экан. Бундай ярамас ишлар боис кишиларнинг ризқи кесилиб, ўртадан барака кўтарилиб кетади.

Турли шубҳали нарсалардан эҳтиёт бўлиш. Тижорат одобларидан бири шубҳали нарсаларни, шубҳа аралашган фойдаларни тарк қилишдир. Шубҳали дер экан ҳалол ёки ҳаромлиги аниқ бўлмаган ва киши кўнглида ғашлик пайдо бўлишига сабаб бўладиган нарсалар тушунилади. Бундай ҳолатлар тижоратда кўп учрайди. Ҳадиси шариф:

”عن أبي عبد الله النعمان بن بشير رضي الله عنهما قال: سمعت رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم يقول: إن الحلال بين وإن الحرام بين وبينهما أمور مشبهات لا يعلمهن كثير من الناس فمن اتقى الشبهات فقد استبرأ لدينه وعرضه ومن وقع في الشبهات وقع في الحرام كالراعي يرعى حول الحمى يوشك أن يرتع فيه ألا وإن لكل ملك حمى ألا وإن حمى الله محارمه ألا وإن في الجسد مضغة إذا صلحت صلح الجسد كله وإذا فسدت فسد الجسد كله ألا وهي القلب“

Абу Абдуллоҳ Нўъмон ибн Баширдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳнинг (алай-ҳиссалом) бундай деганларини эшитдим: “Дарҳақиқат, ҳалол нарсалар очиқ-равшандир, ҳаром нарсалар ҳам очиқ-равшандир. У иккисининг ўртасида эса, (ҳалол ёки ҳаромлиги кўпчилик учун ноаниқ бўлган) иштибоҳли нарсалар ҳам борки, кўпчилик уларни (нг ҳукмини) билмайди. Бас, кимки шундай шубҳали нарсалардан ўзини эҳтиёт қилса, динини (яъни тақвосини нуқсон-камчиликлардан), номус-обрўсини эса (турли гап-сўзлардан) покиза асраб қолади. Аммо кимки шубҳали нарсаларга ўралашиб қолса, ҳаромга ҳам тушиб қолади. Бунинг мисоли (яъни иштибоҳли нарсалардан сақланмайдиган кишининг мисоли) бировнинг қўрғони атрофида сурувини ўтлатиб юрган чўпонга ўхшайдики, унинг қўйлари сал қолса, ўша қўрғонга кириб кетади. Огоҳ бўлинг, ҳар бир подшонинг ўз қўрғони бўлади. Огоҳ бўлинг, Аллоҳнинг қўрғони Унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлинг, жасадда бир парча гўшт борки, агар у соғлом бўлса, бутун жасад соғ-саломат бўлади. Агар у айниса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинг, у парча гўшт қалбдир” (*Бухорий ва Муслим ривояти*). Имом Нававий ушбу ҳадис шарҳида айтади: “Нарсалар уч қисмга бўлинади: Нон емоқ, гапирмоқ, юрмоқ каби ҳалоллиги очиқ-равшан бўлган нарсалар. Ароқ ичиш, зино қилиш каби ҳаромлиги очиқ-равшан бўлган ишлар. Яна на ҳалоллиги ва на ҳаромлиги аниқ бўлган иштибоҳли нарсалар ҳам борки, уларнинг ҳукмини кўпчилик билмайди. Уламолар эса оят-ҳадис ҳужжати билан ёки қиёс орқали уларнинг ҳукмини аниқлашади. Демак, бирон нарсанинг ҳалол ёки ҳаром эканлигида иштибоҳ туғилса ва бу борада оят-ҳадисдан ва ижмодан далил топилмаса, мужтаҳид олим шу мавзуда ижтиҳод

қилиши ва шаръий далил билан ўша ноаниқ нарсани ҳалолга ёки ҳаромга нисбатлаб бериши лозим бўлади”. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) бундай деганлар: “Комил тақво банданинг Аллоҳ таолодан ҳатто заррача нарса хусусида ҳам қўрқмоғи ва ўзи билан ҳаром ўртасига тўсиқ қўйиш мақсадида ҳаром бўлиши эҳтимолидан қўрқиб, баъзи ҳалол нарсаларни ҳам тарк қилмоғидир”. Ҳасан Басрий айтади: “Тақводор кишиларда тақво шу даражага бориб етадики, улар ҳаромдан қўрққанлари боис, кўпгина ҳалол нарсалардан ҳам тийилиб турадилар”. Суфён Саврий айтади: “Тақводор кишилар одатда тақво қилинмаса ҳам бўлаверадиган масалаларда ҳам ўзларини тийганликлари боис тақводор деб номландилар”. Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) бундай деганлар: “Мен ўзим билан ҳаром нарсалар ўртасида аслида ҳалол нарсалардан иборат бир парда қўйиб, уни ҳеч қачон бузмасликни хоҳлар эдим”. Суфён ибн Уяйна айтади: “Банда токи ўзи билан ҳаром ўртасида ҳалолдан бўлган бир тўсиқ қўймагунича ҳамда гуноҳ ва шубҳали нарсаларни ҳам тарк қилмагунича имон ҳақиқатига эриша олмайди”. Ривоят қилинишича, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳаётларида бир марта билмаган ҳолда шубҳали нарсани еб қўядилар. Сиддиққа (розияллоҳу анҳу) ҳалиги нарсанинг шубҳали экани айтилгач, дарҳол бармоқларини оғизларига тиқиб, қайт қилиб ташлайдилар.

Ҳалол-ҳаромлиги ноаниқ бўлган нарсалардан йироқ юриш кишининг тақвосига далолат қилади. Аммо тақво қилиш даъвоси билан аслида ҳаром бўлиши эҳтимоли жуда ҳам йироқ бўлган нарсалардан-да тийилиб, васвасага тушиш нотўғри. Бундай қилиш тарк қилинмоғи афзал бўлган шубҳалар жумласига кирмайди. Мисол учун, ҳеч бир ҳужжатга эга бўлмай туриб, биронтаси-

га уйлансам-у, келин менга номаълум тарафдан маҳрам бўлиб чиқса, нима қиламан, деган андиша билан уйланмай юриш ёки нажосат аралашган бўлса-чи, деган гумон билан чўлда топилган сувни ичмай ўзига зулм қилиш каби “парҳезкорликлар” тақводан эмас, балки шайтоний бир васваса холос. Ҳозир глобализация – оламиёлашув даврида яшайпмиз, кундан-кунга савдо-сотиққа оид янгиликлар пайдо бўлмоқда. Баъзан савдо битимларининг шунақа хилма-хиллари чиқиб қоладики, инсон унинг ҳукмини билолмай ожиз қолади ёки баъзилари эшитиб, кўнглига хижиллик ва шубҳа оралайди. Ана шундай вазиятларда шаръий ва қонуний жиҳатдан ҳукми ўрганилмагунча ўша иш ёки нарсадан сақланиб туриш тавсия этилади. Ҳадисда “Сени шубҳалантирадиган нарсани ташлаб, шубҳага солмайдиганини олавер (қилавер)” (*Насоий ва Имом Термизий ривояти*), дея ўғит берилади. Шу билан бир қаторда, тижоратчи ёки тадбиркор ҳаромга тушиб қолмаслик учун амалга ошираётган савдо турлари ва кўринишларидан бирортасининг ҳукмини билмаса, мазкур нарсалар борасида илм аҳли билан маслаҳатлашиб олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро, Қуръони каримда “Агар билмасангиз, зикр (илм) аҳлидан сўранг!” (*Наҳл, 43*), дейилган.

Ишни пухта бажариш. Муслмон кишининг шахсияти барча ижобий хислатларни ўзида мужассам қилиб, салбийларидан йироқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, у илму ирфон, ҳаракат ва меҳнат билан оламни обод қилиб, дунёда яхшилик уруғини сочишга буюрилган. Бу олий мақсадга фақат масъулият, жидду жаҳд ва ҳар ишни пухта ва мукаммал равишда бажариш орқалигина эришиш мумкин. Муслмон киши ўзи эгаллаган

касбнинг моҳир билимдони бўлиши талаб этилади. Агар деҳқон бўлса, деҳқончиликнинг барча сир-асрорларини билиши ва уларга оғишмай амал қилиши лозим. Агар табиб ва шифокор бўлса, табобат қонун-қоидаларини яхши билиши, беморга ёзаётган дори-дармонларнинг хусусиятлари, шикоятчининг аҳволига қараб бериладиган миқдори, вақтлари ва ҳоказолар ҳақида аниқ билимга эга бўлиши, тажрибали бўлиши талаб қилинади ва ҳоказо. Умуман, қайси соҳа ёки касб эгаси бўлишидан қатъи назар, мусулмон ўз соҳасининг билимдони бўлиши ва ишини рисоладагидек пухта бажариши зарур. Саноат соҳасида ишлайдиганлар ҳам шундай. Халқ истеъмоли учун чиқарилаётган маҳсулотни барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш, биринчи галда унинг сифати ва пухталигига эътибор қаратиш ҳам ишлаб чиқарувчининг вазифасига киради. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“إِنَّ اللَّهَ يَحِبُّ إِذَا عَمَلَ أَحَدُكُمْ عَمَلًا أَنْ يَتَّقَنَهُ”

“Албатта, Аллоҳ, сизлардан бирингиз бирор ишни қилганида ўша ишни пухта қилишини яхши кўради”, дедилар (Абу Яъло ривояти, “Мажмаъуз завоид”; Суютий, “ал-Жомеъ ас-сағир”). Шунга кўра амалга оширилаётган ишни пухта ва мукаммал равишда адо қилиш алоҳида ибодат ҳисобланади. Бинобарин, кишига бунинг учун қўшимча ажру савоблар ёзилади. Барча ишни комил ва гўзал суратда, мукаммал бажариш муҳим ижтимоий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Зеро, иш ва хизматнинг мукаммал ва пухта амалга оширилиши сабабли жамият гуллаб-яшнайдди, кишилар ўртасида ишонч, розилик, дўстлик ва ҳурмат ришталари пай-

до бўлади. Мўмин киши бирор ишнинг жавобгарлигини бўйнига олса, унга жиддият ва масъулият билан ёндашади, у лафзи ҳалол, қатъиятли, ўз шаъни ва ҳурмати ни сақловчи, ҳамиятли инсон бўлади. Бир ишга келишдими, ваъда бердимиз, қай ҳолга тушишдан қатъи назар, ўз нафсининг роҳатидан кечиб бўлса ҳам, ваъдасининг устидан чиқади. Баъзи ишлаб чиқарувчилар халқ истеъмоли учун чиқараётган маҳсулотларининг сифатига унчалик эътибор бермайдилар. Балки мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш қиладилар. Уларнинг мақсадлари фақат пул топишдан иборат бўлиб қолади. Баъзилар: “Сифатини яхшилаш, нарх ошиб, молимиз кетмай қолади, бозор кўтармайди” каби турфа хил баҳоналар билан ўзларини оқлайдилар ҳам. Бу сўзларнинг нотўғрилиги ва воқеликка зидлиги ақлли одамларга сир эмас. Одамлар қиммат бўлса ҳам, сифатли молни афзал кўришлари ҳаммага маълум. Агар сифатли мол сотилмаганида бугун юртимизга четдан келтириляётган бирорта сифатли товар ўз харидорини тополмаган бўларди. Тадбиркор ёки ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг ҳуқуқларига риоя қилиб, маҳсулотнинг сифат даражасини жаҳон стандартларига яқинлаштирса, гарчи таннархи бир оз ошса ҳам, лекин келажакда бундай маҳсулот халқ ичида катта қизиқиш ва талаб қозонади, уни истеъмол қилган ёки фойдаланган одамлар мамнун бўлиб, ишлаб чиқарувчининг ҳақиға хайрли дуолар қиладди. Бу ўз навбатида тадбиркорга узоқ муддатли фойда манбаи бўлади, шахсий бизнесни шакллантиришиға, таъбир жоиз бўлса, жаҳон тижорат майдонида ўз ўрнини топишиға туртки бўлади. Қолаверса, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган маркали товарларнинг бошқа давлатларға экспорт қилиниши жонажон

ва мустақил юртимизни дунёга янада кўпроқ танитиб, халқаро майдондаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлайди. Маҳсулотларимиз ўзга юртларга экспорт қилиниши учун зарур бўлган омилларнинг асосийси эса маҳсулотнинг юқори сифат даражаси ва кўркам идишларда қадоқланиши ҳисобланади. Бизнингча, миллий маҳсулотларимизнинг хорижда ўзига яраша талабга эга бўлиши, эътибор қозониши ўзини шу юрт фарзанди ҳисобловчи барча инсоннинг орзуси бўлиши керак. Ундан ташқари, молининг сифатига эътибор қаратувчи ҳунарманд ва ишлаб чиқарувчилар ниятларига қараб, қўшимча ажр-савобларга ҳам ноил бўлишади. Демак, мўмин киши хоҳ дунёвий иш бўлсин, хоҳ ухровий иш бўлсин, ўз ишини пухта ва комил суратда бажариши матлуб экан. Ана шундай қилинса, маиший ҳаётдаги ишлари ҳам ибодатга айланиб, ажр-савоб олади. Ҳар бир ишни яхшилаб, пухта бажариш динимизда “эҳсон” ҳам дейилади. Эҳсон ҳамма нарсада ўз ўрни ва ифодасини топиши керак. Намозда эҳсон Аллоҳни кўриб тургандек, хушӯ-хузуӯ, сакинат ва виқор билан, барча одобларига риоя қилган ҳолда адо этиш, жонлиқ сўйишда “эҳсон” жонлиққа ортиқча озор бермасдан, пичоқни ўтқирлаб, қийнамасдан забҳ қилиш ва ҳоказо. Зеро, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб айтганларидек “Аллоҳ эҳсонни ҳамма нарсада амалга оширишга буюрган...” Шунга кўра эҳсон ҳамма нарсага тегишли: ишлаб чиқаришга ҳам, нон ёпишга ҳам, таом пиширишга ҳам, бировнинг ишини битириб беришга ҳам, корхонада хизмат қилишга ҳам, қўйингки, ҳамма-ҳамма ишда эҳсон талаб этилади.

Шу ўринда мавзуга алоқадор бўлган ҳаётий бир ҳикояни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Қурилиш корхонасида бир уста-муҳандис ишларди. У ўз ишини пухта ва мукаммал суратда адо қиларди. Қурилажак уйларни барча қонун-қоидаларига риоя қилиб, рисоладагидек қуради. Уста нафақа ёшига етгач, хўжайинидан нафақага чиқаришни илтимос қилди. Лекин корхона раҳбари бунга дарров кўнмади. Бундайн ўз ишини пухта бажарувчи ходимни ҳеч қўйиб юборгиси келмасди. Лекин муҳандис ўз талабида қаттиқ туриб олди. Энди умрининг қолган қисмини оиласи ва фарзандлари билан бирга истироҳатда ўтказиш ниятида эканини айтди. Хўжайини уни бўшатгиси келмаганидан, ҳатто унга аввалгисидан бир неча баробар кўп маош ҳам таклиф қилди. Лекин уста фикрини ўзгартирмади. Шунда муассаса раҳбари унга бир илтимос билан юзланди: “Сиздан сўнгги илтимосим бор, охириги уйни қуриб беришингиз керак. Ўша лойиҳани амалга ошириб берсангиз, бас, дарҳол пенсияга чиқараман”, деди. Муҳандис истар-истамас бу илтимосни қабул қилиб, ишга киришди. Лекин бу лойиҳа сўнгги иши бўлгани учунми, негадир, ишнинг пухталигига унчалик аҳамият бермади. Барибир пенсияга чиқаман-ку, дея масъулиятига панжа орасидан қаради. Қурилиш учун сифатсиз ашёларни ишлатди. Қурувчи ва ёлланма ишчилардан фақат тезлик ва суръат талаб қилди, холос. Иш сифатига эса эътибор бермади. Хуллас, “Мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида ҳаш-паш дегунча уй ҳам битди. Уй кўринишидан кўркам ва маҳобатли кўринса ҳам, аммо бир йилга бормай кўп жойи ишдан чиқиши, пойдевори чўкиши, ғиштлар шўрлаб кетиши тайин эди. Уйнинг ички безаклари ҳам шунчаки қўл учида қилинган эди. Уста уйнинг калитини топшириш учун бошлиққа учрашди. Худога шукр-ей, энди

пенсияга чиқадиган бўлибман, дея хурсанд эди у. Уй калитини топшириб, хўжайинидан рози-ризолик сўраб, энди хонадан чиқишга чоғланар экан, хўжайин уни тўхтатди: “Уста! – деди у аллақандай меҳр билан. – Бу уй мендан сизга совға! Шунча йиллик ҳалол меҳнатингиз эвазига бу ҳадямни қабул қилинг! Келинойим, фарзандларингиз ва набираларингиз билан бу янги уйда роҳатда яшанг! Ишдан бўшаш ҳақида ариза берган ўз кунингизда сизга шундай “сюрприз” қиламан, дея кўнглимга тугиб қўйган эдим. Қанча-қанча инсонларга қулай ва шинам уйлар қуриб бердингиз, энди сиз ҳам шундай уйларда яшашга ҳақлисиз! Муборак бўлсин!” Шундай дея хўжайин уй калитларини табассум билан устага топширди. Баногоҳ устанинг оёқ қўли қалтираб, бўшашиб қолди. Бу сўзлар унинг бошига бамисоли тўқмоқдек зарб билан тушган эди. Шунча йил давомида қилмаган аҳмоқликка қандай қилиб шу сафар қўл урганини ўйлаб, ўзини кечира олмас, ачиниб, афсус ва пушаймонлар чекарди. Энди унинг ичига чироқ ёқса ёришмасди. Чунки у ўзига қураётганини билганда эди, ишни ихлос билан пухта қилишда, мустаҳкам қуришда ҳеч қандай камчиликка йўл қўймасди. Қаранг, бир марта лоқайдлик эвазига ҳалиги одам ўз бошига бир умрга татигулик зарар келтирди. Қиссадан ҳисса шуки, ҳаммамиз ҳаётда мазкур ҳикояда тилга олинган устага ўхшаймиз. Агар қилаётган дунёвий ва ухровий ишларимизни пухта қилсак, биринчи бўлиб ўзимизга яхши. Зеро, ҳар биримизнинг ишимиз ўзимиз учун дунё ва охират қасрларини қуриш, дунё ва охират ҳаётини обод қилишдан иборат. Бу ҳаётда масъулият билан ишласак, албатта, обод ва фаровон турмушга эришамиз, тоат-ибодатларимизни ҳам пухталиқ ва

эҳсон билан адо қилсак, охират уйимиз ҳам обод бўлади, иншааллоҳ. Борди-ю, одатимиз бунинг акси бўлса, ҳикояда келтирилган устанинг ҳолига тушиб қоламиз...

Хайр-эҳсон ва садақалар қилиш. Тижоратчи учун ҳар савдодан сўнг ёки куннинг сўнгида садақа қилиш мустаҳаб саналади. Бу закотдан бошқача садақадир. Бу, ўша ҳар савдода, ёки сармоя бир марта айланиб, пул бўшаганида бериладиган ва айнан ўша савдо пулларида сарфланадиган садақа бўлиб, тижорат молини турли кам-кўстлар, гуноҳ-маъсиятлар ва шубҳалардан поклаш мақсадида амалга оширилади. Зеро, савдо-сотиқ ва ҳоказолар айнан шайтонларга уя бўлган бозорларда олиб борилади. Инсон савдода билиб-билмай қайсидир сўзида ёлғон гапириб юбориши, ким биландир урушиб, дилини оғритиб қўйиши ва ҳоказо ҳолатлар учраб туради. Ёки молга қандайдир шубҳалар аралашиб қолиши мумкин. Бу садақа молни ана шундай кирликлардан поклаш учун берилади. Шу каби бу ишда нафсни сахийликка ўргатиш, ён-атрофидаги қийналган, фақир қариндош-уруғ ва ҳоказоларнинг кўнгилларига қувонч олиб киришдек хайрли мақсадлар ҳам ўз ифодасини топади. Қайс ибн Абу Ғарзадан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) дедилар:

“يا معشر التجار! إن الشيطان والإثم يحضران البيع فشوبوا
بِيعْكُمْ بِالصَّدَقَةِ.”

“Эй тожирлар жамоаси! Албатта савдога шайтон ва гуноҳ ҳозир бўлади. Бас, шундай экан савдоингизга садақа аралаштиринг» (*Имом Термизий*). Зеро, садақа Парвардигор ғазабини сўндиради. Ҳадиснинг бошқа бир ривоятида: “Албатта, сав-

дога лағв ва қасамхўрлик ҳозир бўлади (аралашади)...” дейилган. Шу боис иши юришиб турган, қўли пул кўриб турган савдогар ёки хунарманд, яхши касб эгаси тез-тез хайр-садақа қилиб туриши, қийналганларга мурувват кўрсатиши мустаҳаб бўлган амаллар қаторига киради. Юқоридаги ҳадис мазмунидан шу нарса ойдинлашадики, тижоратчи вақти-вақти билан одамларга ёрдам қилиб туриши тижорати мобайнида йўл қўйилган хатокамчилик ва майда гуноҳларнинг кечирилишини таъминлар экан. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар:

“إن التجار هم الفجار إلا من بر وصدق”

“Албатта, тожирлар фожирлар бўлишади, фақат яхшилик ва садақа қилувчилари бундан мустасно” (*Термизий ривояти*). Демак, садақа қилиб турган ва эзгу амалларни бажараётган тижоратчи фожир ҳисобланмайди. Чунки, савдо-сотик давомида билиб-билмасдан содир этилган турли-туман кичик гуноҳ ва хатолар хайр-эҳсон ва садақалар билан ювилиб туради.

Касб-кор ва тижорат учун эрталабдан ҳаракат қилиш ва ризқ топишда ғайратли бўлиш. Ҳар қандай ҳалол касб-хунар ёки тижорат соҳиби ўз ишига эрта билан бориши, дўкон ва ҳоказоларини барвақт очиши мустаҳаб саналади. Ана шунда ўша кунги ишига барака берилади, иншааллоҳ. Зеро, Набий (алайҳиссалом) Аллоҳга илтижо қилиб:

“اللهم بارك لأمتي في بكورها”

“Ё Аллоҳ, умматимнинг эрта билан бошлаган ишларига барака бергин!” дея дуо қилганлар

(Имом Аҳмад ривояти. “Муснад”). Ривоят қилинишича, ушбу ҳадиснинг ровийси бўлмиш Саҳр Ғомидий (розияллоҳу анҳу) тижоратчи киши эди. У тижоратдаги одамларини ҳар доим эрта ишга жўнатарди. Тез орада унинг мол-дунёси кўпайиб, бадавлат, сахий тожир бўлди.

Сўнгсўз ўрнида

Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин, ушбу мўъжазгина рисола орқали ҳалол касб ҳақида сиз азиз китобхонларга айтмоқчи бўлган сўзларимиз ниҳоясига етди. 2010 йили нашрдан чиққан китобимиз ҳалол савдо ҳақида эди. Ушбу рисоламизнинг номини ҳам аввалгисига уйғун қилиб, “Ҳалол касб – фаровонлик омили” деб номладик. Аввалги рисоламизда асосан тижорат ва савдо-сотик масалалари ёритилган бўлса, бу китобимиз мазкур рисоланинг узвий давоми бўлиб, унда нафақат тижорат, балки, умуман ҳар қандай касбу корга доир масалалар, тижорат, зироат, хунармандлик, саноатчилик, ҳалол касбнинг динимиздаги ўрни ва ҳоказолар ҳақида сўз юритилди ва аввалги рисоламизда келтирилмаган маълумотлар билан ҳам бойитилди.

2013 йил муҳтарам Юртбошимиз тарафларидан “Обод турмуш йили” деб номланиши бежиз эмас, албатта. Бу ташаббуснинг ўзига хос рамзий маънолари, ҳикматлари бор. Мақсад ушбу йилда ўзини Ўзбекистон деб аталмиш ушбу Ватан фарзанди деб билувчи ҳар бир шахс имкониятидаги бор куч-ғайрат ва иқтидорини эл-юрт равнақи, юртимиз ободлиги йўлида сафарбар қилишдан иборатдир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) муборақ сўзларида: “Инсонларнинг яхшилари инсонларга манфаат етказувчи роқ бўлганларидир”, дея марҳамат қилганлар. Бошқа бир ҳадисларида эса: “Ҳар бирингиз ўз қўл остингиздагилар устидан масъул-

сиз”, дедилар. Яъни, бу ҳаётда ҳар кимнинг ижтимоий ўрни, мавқеи, илмий иқтидори ва ҳоказоларга кўра, ўз ўрни ва майдони бўлади. Ҳар бир шахс ўзининг майдони доирасида масъул ҳисобланади. Оила бошлиғи оиласидан масъул, она фарзандлар тарбияси-парваришидан масъул. Табиб, назоратидаги бемор ҳолатидан масъул, ўқитувчи талабанинг сабоғидан масъул ва ҳоказо. Лекин ҳамманинг мақсади ўша кичкина масъулият майдони доирасида ўз элига, юртига хизмат, Ватанининг сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги йўлида саъй-ҳаракат қилишдан иборат бўлиши керак. Шундай экан, биз имом-домлалар, илм аҳли ҳам Ватанимиз олдидаги ўз мажбуриятларимизни адо қилиш йўлида халқимизнинг маърифатини ошириш, тинчлик ва осойишталик ҳимояси учун куч-ғайратимизни турли муаммолар ечимига йўналтиришимиз, юртимиз озод ва обод ҳолда равнақ топиши учун муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

Ушбу рисолада йўл қўйилган хатоларни кечириб, ҳақимизга хайрли дуолар қилишингизни сўраб қоламиз.

Камоли эҳтиром билан
РАҲМАТУЛЛОҲ қори
ҲАБИБУЛЛОҲ ўғли

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

Қуръони карим.

Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. — Т.: “Ислом университети на-шриёт-матбаа бирлашмаси”, 2009 й.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”. – Байрут. “Дор Ибн Касир”. 1407ҳ –1987 м.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Ал-адаб ал-муфрад”. – Байрут.: “Дорул-фикр”, 2004 й.

Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал Шайбоний. “Ал-Муснад”. – Байрут, Ливан.: “Дору муассасати-р-рисола”, 1993 й.

Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Язид ибн Можа. “Сунан Ибн Можа”. – Байрут.: “Дорул-фикр”.

Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ал-Баззор. “Муснадул-баззор”. – Байрут.: Дорул-кутуб ал-ъилмийя, 2001 й.

Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний. “Сунани Абу Довуд”. – Байрут.: Дорул-фикр 2006 й.

Абул-Фидо Имоуддин ибн Касир. “Тафсирул Қуръонил-азим”. – Миср.: “Дорул-китоб ал-исломий”. 2001 й.

Абулқосим Маҳмуд ибн Амр ибн Муҳаммад Замахшарий, Хоразмий. “Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ат-танзил”. – Байрут.: Дору-л-китоб ал-арабий. 2004 й.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. “Сунану-т-Термизий”. – Байрут.: Дору ихё ат-турос ал-исламий. 1995 й.

Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Айний. “Умдатул-қорий шарҳу саҳиҳил-Бухорий”. – Миср: “Ал-матбаъа ал-амирийя”.

Али Қорий. “Шарҳу-л-виқоя”. – Ливан.: “Дору-л-фикр”. 2000.

Марғиноний Бурҳониддин. “ал-Ҳидоя шарҳу бидоятил-мубтадий” (араб тилида) – Байрут: “Дору-л-кутуб ал-илмийя”. 1410 ҳ./1990 м.

Ибн Обидин Муҳаммад Амин. “Ҳошияту Ибн Обидийн”. – Байрут: “Дору-л-маърифат”. 1420 ҳ.

Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий. “Ас-сунан ал-кубро лил-Байҳақий”.

Аҳмад ибн Шуайб Насоий. “Сунану-н-Насоий”. – Байрут: “Дору-л-кутуб ал-илмийя”. 1411 ҳ./1991 м. 1-босма.

Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий. “Шуъабу-л-иймон”.

Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 176 бет.

Ислом Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

“Баркамол авлод орзуси”. Т.: «Sharq», 1992, 53-б.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий. “Мишкоту-л-масобийҳ”. – Байрут.: “Ал-Мактабул-исламий”, 1399 ҳ.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Қуртубий. “Ал-Жомеъ ли-аҳком ал-Қуръон”. “Дорул-фикр”. Байрут. Ливан. 1987 й.

Абдуллоҳ ибн Маҳмуд Мувсилий ал-Ҳанафий. “Ал-Ихтиёр литаълили-л-мухтор”. – Байрут.: “Ал-Мактабул-исламий”, 1411 ҳ.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Одоблар ҳазинаси” (“Ал-адаб ал-муфрад” китобининг шарҳи). – Т.: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2011 й.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Руҳий тарбия”. – Т.: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2008 й.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Яхшилик ва силаи раҳм китобининг шарҳи”. – Т.: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2009 й.

Тақий Усмоний Муҳаммад. “Бухус фий қазоя фикҳийя муасира” (замонавий фикҳий муаммолар ҳақида баҳслар). – Дамашқ. Сурия: “Дорул-қалам”. 2-босма. 1424 ҳ./2003 м. 1 жилдли

Раҳматуллоҳ Сайфуддинов. “Ҳалол савдо касбларнинг яхшиси” – Т.: - Мовароуннаҳр нашриёти, 2011.

Умаров Баҳодир, Жабборов Шукур. “Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари” – Т.: - “Академия”, 2011. – 156 б.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....	3
“Касб” ва “ҳалоллик” сўзларининг маънолари.....	6
Ҳалол касб билан шугулланиш вожибдир.....	10
Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар – ҳалол касб ҳақида.....	14
Ҳалол меҳнат билан ризқ топиш пайгамбарлар суннати.....	23
Ҳалол касб кишини ўзгаларга муҳтожликдан сақлайди.....	28
Ҳалол касб ва таваккул тушунчаларининг уйғунлиги.....	30
Дуолар ижобат бўлишида ҳалолликнинг аҳамияти.....	34
Ислом танбалликни қоралайди.....	38
Бекорчилик қалб кушандаси.....	42
Дангасалик сабаблари.....	48
Фарзанд тарбияси ва жамият равнақида ҳалол касбнинг тутган ўрни.....	49
Энг афзал касблар.....	54
Касб-кор, тижорат ва савдо-сотиқ одоблари.....	58
Сўнгсўз ўрнида.....	88
Фойдаланилган манба ва адабиётлар.....	90

Қайдар учун

РАҲМАТУЛЛОҲ САЙФУДДИНОВ

**ҲАЛОЛ КАСБ
ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ**

Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз МАНСУР

Муҳаррир Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ

Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2013 йил 5 июлда топширилди. Босишга
2013 йил 8 июлда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими
84 x 108 $\frac{1}{32}$. Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 6.0. Шартли б. т.: 3,2.

Адади: 5000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.

Тел: (8-371) 227-34-30

“Тошкент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий кўчаси 11-уй.

Тел: 244-00-91

Факс: 244-00-65

E-mail: *info@tiu.uz*